



«Гулшан» истироҳат боғи обод бўладими, йўқми?
Бу саволларга ким жавоб беради?



№62-63
2019-yil, 6-avgust
Seshanba (32.553)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

O'zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta


1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

лардан улугимсан, Ватаним!

Мамлакат ягона темир йўл тизимини барпо этиш, йўловчи ва юк ташиш ҳажминини оширишга қаратилган кўплаб йирик лойиҳалар «Навоий — Учқудуқ — Султонувайистог — Нукус», «Тошғуззор — Бойсун — Қумкўргон», «Ҳайратон — Мозори Шариф», «Ангрен — Поп», «Бухоро — Мискин» йўналишида ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ҳозирги кунда «AFROSIYOB» юқори тезликда ҳаракатланувчи замонавий поезди орқали «Тошкент — Самарқанд», «Тошкент — Қарши», «Тошкент — Бухоро» ва «Тошкент — Шаҳрисабз» йўналишларида қатновлар амалга оширилмоқда.

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!



Яқинда фойдаланишга топширилган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф масжиди.

МУНОСАБАТ

Инсонпарварликнинг яна бир ёрқин намунаси



Бугун мамлакатимизда шиддат билан олиб борилаётган тарихий ислохотлар орасида инсон эрки, ҳуқуқи, шаънини ҳимоя этиш бўйича нақадар муҳим ишлар қилинаётганини кўрган кўриб, билган билиб турибди. Дунё тан бериб, эътироф этмоқда. Оддий одамлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар манфаатини қўзлаб, беқисс меҳр-мурувват кўрсатилмоқда. Яқинда Сурида ҳимоясиз, нажотсиз дарбадар бўлиб кўчада қолган бир гуруҳ ҳаююртларимиз катта қийинчиликлар билан она Ватанга қайтарилди. Сўнгра билиб-билмай жиноятга қўл урган, аммо қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган, қатъий тузалиш йўлига ўтганлардан 4 мингга яқини афв этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Кўнгирот тумани, Жасик қўғонига жойлашган 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида 2019 йил 2 августда имзолаган қарори инсонпарварликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

ДЕПУТАТЛАР ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИДАН ҚОНИҚМАДИМИ?


Давлат дастурида ярим йиллик учун 139 та топишириқ белгиланган бўлиб, 106 банд ижроси тўлиқ бажарилган. Ўз вақтида адо этилмаган вазифалар депутатларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди. Уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан депутатлар таклиф ва тавсиялар ҳам берди.

Халқ вакиллари тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий ҳокимият органларидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш масалалари юзасидан Ҳукуматга алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш, унинг назоратини қатъий амалга оширишни таклиф этди.



Тайёрланаётган Сайловолди дастури

**Җаётга, халқимиз эхтиёнсларига
қанчалик яқин?** 2



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 6 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қйма-тини белгиледи:*)

- 1 АКШ доллари 8704,87
- 1 ЕВРО 9668,50
- 1 Россия рубли 133,85
- 1 Англия фунт стерлинги 10579,90
- 1 Япония иенаси 81,67
- 1 Жанубий Корея вони 7,32
- 1 Кувайт динари 28604,33
- 1 Малайзия рингити 2095,03
- 1 Хитой юани 1254,54
- 1 Сингапур доллари 6323,92
- 1 Швейцария франки 8864,43
- 1 БАА дирхами 2370,28
- 1 Миср фунти 523,98
- 1 Австралия доллари 5918,44
- 1 Туркия лираси 1565,99
- 1 СДР 11953,01
- 1 Канада доллари 6592,60
- 1 Украина гривнаи 340,70
- 1 Польша злотийси 2244,80

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И
ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ
НИШОНЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга хос булган меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кuni 11 август – якшанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатта олиб, мамлакатимизда 2019 йил 11 август Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.


2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жағмармаси, Ғуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Қурбон ҳайитининг жойларда юқори савияда, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боглиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 август



ТАБИЙ ГАЗ:

Газни ҳисобга олиш
приборлари мавжуд
бўлганда - **380 сўм/м**

Газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаганда:

овқат тайёрлаш	иситиш
ва иссиқ сув	учун –
таъминоти учун –	380 сўм/м ³
660 сўм/м ³	

 Маиший эҳтиёжлар учун аҳолига сотиладиган
1 кг суюлтирилган газ учун – 1120 сўм

ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ:

Майший
истеъмолчилар учун
1 кВт/соат = 295 сўм

Истеъмолчиларнинг
бошқа тарифси учун
1 кВт/соат = 450 сўм

* 9 уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар

• уруш фохрийлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

② I ва II гуруҳ болаликдан ногиронлар

Дастур лойиҳасида партиямиз мафкураси — қисқа, лўнда ва тушунарли шаклда бериляпти.

Тайёрланаётган Сайловолди дастури ҳаётга, халқимиз эҳтиёжларига қанчалик яқин?

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ҳар ҳафтанинг сешанба куни ЎзХДП Марказий Кенгашида видеомулоқот ташкил этилмоқда. Ўтган ҳафтадаги мулоқотда партия Дастури ва Сайловолди дастурини такомиллаштириш масалалари ҳамда бу борадаги таклифлар муҳокама этилди.

Видеомулоқотни партия Марказий Кенгаши раиси Улугбек Иноятов бошлаб берди: — Маълумки, 9 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишимизда партиямизнинг Дастури ва Сайловолди дастури лойиҳалари фаоллар, экспертлар ва депутатлар иштирокида қизгин муҳокама этилган эди.

Муҳокамалар давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишчи гуруҳ аъзолари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, эътиборга олинди. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бундан ташқари, партиянинг янги Дастури ҳамда Сайловолди дастури лойиҳалари муҳокамаси бўйича эксперт, олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, бошланғич ташкилотлар, туман (шаҳар), вилоят кенгашлари ҳамда депутатлар иштирокида туркум давра суҳбатлари ўтказилди, қатор таклифлар олинди.

Уйлайманки, саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ дастурий ҳужжатларимиз жозибадорлиги янада ошади.

Йиғилишда жойлардан олинган таклифлар кўриб чиқилди, фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Улугбек Вафоев, Партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— 9 июль куни бўлиб ўтган видеоселекторда партиядошимиз Шарбат Абдуллаева Дастур лойиҳаси бўйича фикр билдириб, “дастурда партия мафкураси аниқ бўлиши керак”, деб таъкидлаб ўтган эди. Мен ушбу фикрга тўлиқ қўшилиман. Ҳақиқатан ҳам, партиянинг Дастурида унинг мафкураси аниқ белгиланиши керак.

Чунки биз олдинги сайловлардаги таърибимизда партияимиз мафкураси тўғрисида гап кетганда, жуда қийналганмиз. Партияимиз мафкурасини ҳар биримиз турлича талқин қилганмиз. Шунинг учун Дастур лойиҳасида партияимиз мафкураси — қисқа, лўнда ва тушунарли шаклда бериляпти.

Партияимиз мафкураси учта асосий гоядан иборат бўляпти. Булар ижтимоий тенглик ва адолат, ижтимоий бирдамлик ҳамда ижтимоий демократия гояларидир.

Нега айнан ушбу гоялар, нега айнан ушбу мақсад танланган? Мазкур гоялар ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизда ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Ислохотларни амалга ошириш, ривожланиш учун барқарор ижтимоий вазиятни тақдим этади. Ижтимоий демократик давлат куриш инсониятнинг азалий орзуларидан ҳисобланади. Энг муҳими, ушбу гоялар, партияимиз ҳимоя қилаётган ижтимоий қатлам манфаатидан

келиб чиқиб белгиланган.

Барча учун фаровонликни таъминлайдиган, ижтимоий-иқтисодий барқарор давлатни барпо этиш учун, аввало, ижтимоий заиф қатлам манфаатларини ҳимоя қилишимиз лозимдир.

Демак, партиямиз Дастурини муҳокама қилиш орқали гояларимиз, мақсадларимиз ва унга элтувчи йўлларимиз ҳамда мамлакатда олиб борилаётган ислохотларга нисбатан сиёсий позициямизга аниқлиқ киритиб олди.

Энди мазкур гояларга асосланиб, яқин беш йил ичида олдимизда қандай вазифалар турибди, биз нима ишлар қилишимиз керак? Ушбу саволларга партиямиз Сайловолди дастурида жавоб топишимиз керак.

Очилини айтиш керак, партия Дастури ва Сайловолди дастурини тайёрлашда жамиятимиздаги барча муаммоларни қамраб олиш имконияти йўқ. Барча муаммоларни киритадиган бўлсак, дастурларимиз ҳажми жиҳатдан жуда катта бўлиб кетади ва сайловчиларга етказиш, тарғиботда фойдаланиш учун ноқулай бўлади. Лекин, шунга қарамай, биз сайловчиларни қийнаётган муаммоларга кўз юма олмаймиз. Бугун одамларни қурқу гоялар эмас, балки ҳаётий муаммоларнинг ечими қизиқтиради.

Шунинг учун таклиф қиламизки, партияимизнинг асосий Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ҳар бир вилоят, ҳар бир туман, ҳудудлар шароитига мос равишда ўз сайловолди дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

Бу орқали ҳар бир ҳудудга ҳоз бўлган, сайловчиларни қийнаётган муаммоларни аниқлаб, уларнинг ечимини топишга кирилиши имкониятига эга бўламиз. Кенг қамровли сайловолди дастурини тайёрлаш ҳолати тушунарли бўлиши учун ушбу жараёни пирамида шаклида келтирганмиз.

Пирамиданинг бошида Партия дастури турибди, ундан келиб чиққан ҳолда — Сайловолди Дастури, Сайловолди дастуридан пастда — ҳудудий дастурлар, ундан сўнг туман (шаҳар) дастурлари, пирамиданинг энг охирида ҳар бир туман кенгаши депутатининг ўз ҳудуди бўйича дастури турибди.

Агар партияимизнинг дастурий ҳужжатлар тизимини шу тарзда шакллантира оلسак, мамлакат ҳудудини қамраб олган, партия ҳимоя қилаётган ижтимоий қатламнинг барча муаммоларини ўзида акс эттирган мукамал ва яхлит партия режасига эга бўламиз.

Партия Дастури ва Сайловолди дастури лойиҳаси: ким қандай таклиф берди? Видеомулоқот қизгин баҳс-муно-



заралар, таклифлар асосида ўтди.

Максуд Нуруллаев, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят Кенгаши раиси:

— Аввало, таъкидлаш керакики, Дастур ва Сайловолди дастури пирамида шаклида тушунирилгани барчамиз учун янгилик бўлди. Таклифим ҳақида гапирадиган бўлсам, партия дастури ва Сайловолди дастури лойиҳасини видеоселектор кўринишида муҳокама этишдан ташқари ҳудудлар кесимида, масалан, 3 та вилоятни бирлаштириб, муҳокама этилса, янада кенг аудитория жалб қилинади, деб уйлайман. Бу кенг қамровли таклифлар шаклланишига ҳам хизмат қилади, назаримда.

Рашид Муртазов, Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси:

— Маърузаларни тинглаб, партияимиз сиёсий мафкураси ҳамда Дастурий устуворликларни назарий жиҳатдан мукамал ишлаб чиқилган, сайловчиларга тушунарли бўлиши учун содда, раво ҳолда тайёрланганига гувоҳ бўлдим.

Шундан келиб чиқиб, партияимиз электроти манфаатларини янада кенгроқ ҳимоя қилишга қаратилган гоя ва фикрларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жумладан, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ижтимоий хизмат соҳасида банд бўлган кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнат ҳақи, маиший хизматлардан фойдаланиши билан боғлиқ масалаларда таклифлар ишлаб чиқиш лозим бўлади. Ногиронларга жамоат транспортидан фойдаланишда қулайлиқлар яратиш, алоқа тизимидан фойдаланишда имтиёзлар бериш борасида таклифлар ўрин олса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, инсон ва унинг оиласи учун энг кам даромад миқдори, яъни, энг кам истеъмол саватчасига қиравчи озиқ-овқат, кийим-кечак, уй жой, тиббий ва ижтимоий хизматлардан иборат турмуш даражасини таъминловчи, умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларининг мамлакатимизда рубга чиқарилиши билан боғлиқ

масалалар ҳам Сайловолди дастури-мизда ўз ифодасини топиши лозим. Зеро, бу масала жуда кўп кун тартибига чиқаяпти, аммо ҳали-ҳануз амалиётга жорий этилгани йўқ.

Ташқи сиёсат фаолият масалалари ҳам партияимиз дастурий ҳужжатларида бўлиши лозим.

Зулфия Тўйева, Бухоро вилоят партия кенгаши раиси:

— Ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалалари юзасидан ҳам муҳим вазифаларни белгилаб олишимиз зарур.

Бугун мамлакатимиз аҳолисининг деярли тенг ярми ҳали ҳам қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилиб келишмоқда. Айниқса, хотин-қизларимиз. Биз қишлоқ ҳўжалигида, фермер ҳўжаликларида ишлаётган хотин-қизлар меҳнати қафолатлини масаласини ҳам дастурларимизга киритсак, аниқ механизмларни ишлаб чиқсак, уйлайманки, тарафдорларимиз сон-анчагини олган бўлар эди.

Биз аҳолининг эҳтиёжманд қатламини кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, яна бошқа жойда якка-ёлғиз, деб атаймиз. Буларнинг ҳаммасини битта мезонга солиш керак, назаримда.

Яна бир масала. Ёлғиз оналар масаласи бор. Бу энг оғирлиқ нуқталаримиздан. Улар иш билан таъминланмаса, ёрдам кўрсатилмаса, фарзандлари тарбиясида муаммага учраши аниқ. Демак, ёлғиз оналар масаласини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

“Таклифингиз дастур лойиҳасидан жой олди”

Видеомулоқотда ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов партия Дастури ва Сайловолди дастури лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича жойлардан юборилаётган таклифларнинг тақлили тўғрисида маълумот берди.

— Вилоятлардан 120 дан ортиқ таклиф келган бўлиб, улар Марказий

Кенгаш қошида ташкил этилган экспертлар гуруҳи иштирокида кўриб чиқилди. Таклифларнинг 43 таси ишчи гуруҳи томонидан маъқулланди. Муҳим таклифлар Навоий, Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм ва Бухоро вилоят кенгашлари томонидан юборилди. Масалан, Навоий вилоят партия кенгаши Сайловолди дастурига берган таклифи шундай изоҳланади: Айрим оилаларнинг икки ва ундан ортиқ фарзанди олий таълим муассасаларига тўлов шартнома асосида ўқишга қабул қилинади. Бундай ҳолатда даромади паст оилалар шартнома тўловларини амалга ошира олмайди. Шунга шароитда кам даромадли оилаларга маълум миқдорда чеғирмалар берилиши керак. Ҳаракатчан ёшлар ўқиш имкониятига эга бўлиши зарур. Бунинг учун аниқ механизм ишлаб чиқиш ва дастурга киритиш таклифи берилган.

Бухоро вилоят кенгаши одам аъзолари ва тўқималари трансплантацияси билан боғлиқ масалани киритиш бўйича таклиф берган. Республикаимизда бу йўналишда етарли имкониятлар мавжуд эмаслиги аҳолига қийинчиликлар туғдирапти. Бу борада сифатли ва арзон тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилиши кераклиги масаласи дастурдан ўрин олиши лозим.

— Сайловолди дастури лойиҳасида 2019-2024 йиллар давомида 20 дан ортиқ қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича аниқ вазифалар илгари сурилмоқда. Сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин номзодларимиз сайловчилар билан учрашганда Сайловолди дастуриимизнинг афзал жиҳатларини тушунириши, сайловчиларни ишонтириши керак, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Улугбек Иноятов.

Партиянинг Дастури ва Сайловолди дастурини таклифлар асосида такомиллаштириш жараёни давом этмоқда.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.


САЙЁР ҚАБУЛ:

Пешку туманида ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонасининг сайёр қабули ўтказилди.

Унда вилоят, туман партия кенгашлари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоят Адлия бошқармаси вакиллари, туман ҳокими ўринбосарлари, шунингдек, тумандаги бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари мурожаатларни қабул қилди.

Фуқаролардан турли йўналишларда 30 дан ортиқ мурожаат келиб тушди.

Пешку туманида тадбиркорлик учун ер олиш муаммоми?



— Анчадан бери соғлигимда муаммолар бор эди, — дейди Пешку тумани «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Сурайё Жўраева. — Шифокорлар жарроҳлик амалиётини ўтказиш кераклигини айтишди, лекин бунга имкомини йўқ. Сайёр қабул ҳақида эшитиб, умид билан келдим. Менга вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман тиббиёт бirlашмаси ёрдам берадиган бўлди. ҳодимларига операция учун ёрдам кўрсатиш бўйича топшириқлар берилди. Ҳатто, қайси кун қайси шифокор қабулига бориш кераклигига айтишди. Мушкулим осон бўлса, бир умр миннатдор бўлардим.

— Мурожаатчиларнинг аксарияти тадбиркорликни йўлга қўйиш учун ер ажратилишини сўради. Демак, туманда бу масалада муаммолар бор. Ўз ишимни йўлга қўяман, иш ўрни яратаман, деган одамни қўллаб-қувватламасак, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги муаммоларни ҳал этолмаймиз. Очилини айтиш керак, ҳудудларда, маҳалла ва қишлоқларда бўш турган ерлар кўп. Улардан самарали фойдалансак, тадбиркорлик қилиш ниятидаги фуқароларга берсак, бу ҳамма учун фойдали бўлади. Ушбу масалани халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқиш керак бўлади. Туман ҳокимлиги мутасаддилари билан мурожаатларни муҳокама қилдик, иш бошлаш ниятида юрган фуқароларни сарсон қилмаслик, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорликда чоралар белгиланди. Биз уларни депутатлик назоратида ушлаб тураемиз, — дейди халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутаты Робия Қазимовна.

Сайёр қабулда, шунингдек, йўлларни таъмирлаш, хусусий богча қуриш, таълим кредити олиш, биносарнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда иш билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларда мурожаатлар бўлди. Пешку туман ҳокимлиги мутасадди ташкилотлар раҳбарларига муаммоларни бартараф этиш бўйича вазифалар қўйди.

Республика даражасида ҳал бўладиган муаммоларни парламентдаги партия фракциясига тақдим этишга келишиб олинди. Вилоят даражасида ҳал бўладиган муаммоларни партия гуруҳи орқали халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг доимий комиссияси муҳокамасига киритиши кераклиги ҳақида хулоса қилинди.

Қабул қилнларига кўра, мурожаатларни қонунчиликка мувофиқ, кўриб чиқиш, тегишли ташкилот ва муассасаларга депутат сўрови юбориш, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши натижалари тўғрисида мурожаат муаллифларига ёзма жавоб хати юборилишини таъминлаш бўйича партия ташкилоти қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.



ХОТИН-ҚИЗЛАР ФОРУМИ

10 та самарасиз тадбирдан 10 кишига иш топишда ёрдам берган яхши

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан Андижон вилояти Балиқчи туманидаги маданият ва истироҳат боғида «Аёллар ижтимоий ҳимояси — ижтимоий фаоллик пойдевори» мавзусида форум ўтказилди.

Депутатлар, партия ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида хотин-қизларни ўйлан-тираётган масалалар ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилди.

Тадбир эрта тонгдан хотин-қизлар ўртасидаги веломарафон билан бошланди.

— Очиги, тадбир бундай шаклда ташкил этилишини кутмагандим, — дейди Нодира Я Имонова. — Веломарафонда қатнашиш

истагида келаётган аёлларни, қизларни кўриб, менда ҳам иштирок этиш истаги пайдо бўлди. Бу ҳақида айтганимда, кўпчилик ҳайрон қолди. «Ёшим 72 да бўлса ҳам, ғайратим, шижоатим бор, ҳали ҳаммангиздан ўзиб кетиб, голиб бўламан», деб ҳазиллашдим. Бу ахир соғлигимга ҳам фойда-ку. Афсуски, аёлларимиз спорт билан шугулланиш масаласига эринчоқлик билан муносабатда бўлади. Бу — хато. Веломарафонда кўп қатнашчилар чарчаб қолгани ҳам бунга далил. Шунга, ўзим голибликни кўлга киритдим. Энг муҳими, ҳаммамнинг кайфияти аъло, юзюда табассум. Хотин-қизлар ўртасида ана шундай тадбирларни қўйгаймиш керак, деб уйлайман...

Веломарафондан сўнг спорт

залида хотин-қизлар ўртасида волейбол, шахмат-шашка ҳамда ёш қизларимиз иштирокида энгил атлетика ўйинлари ўтказилди.

Анжуманининг иккинчи қисми бепул тиббий кўрик акцияси ва меҳнат ярмаркаси билан давом этди.

Тиббий кўрикка вилоят, туман марказидан шифокорлар, тиббий техника воситалари, кўча амбуланс хизматлари жалб қилинди. 137 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилди ва керакли масалаҳатлар берилди.

Меҳнат ярмаркаси ҳам анча гавжум бўлди. Сортепа маҳалласида яшовчи Одинахон Хидиров ва «ХАНОЙ» ишлаб чиқариш корхонасига, Мохларой Абдуллаевага тумандаги 29-мактабга таълим муассасасига тарбия-

чи бўлиб ишлаш учун йўлланмалар берилди.

— Ўзим қизиққан соҳада иш топишни анчадан бери орзу қилардим, — дейди Мохларой Абдуллаева. — Корхона ва ташкилотлар вакиллари билан бўш иш ўринлари, маош, ишхонадаги тартиб-қоидалар ҳақида гаплашиш имконияти бўлди. Туманимиздаги болалар богчасига ишга киришим учун йўлланма беришди. Жуда хурсандман.

Ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган аёлларга бошланғич тўловларсиз кредит олиш тартиб-қоидалари бўйича тушунчалар берилди.

— Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи бугун долзарб аҳамиятга эга, — дейди ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши

Биринчи ярим йилликка мўлжалланган, аммо бажарилмаган бандларнинг тақдири қоронғу бўлмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР ҲУКУМАТ ХИСОБОТИДАН ҚОНИҚМАДИМИ?

Ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Вазирлар Маҳкамасининг Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Ҳисоботи Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов тақдим этди.

Мазкур ҳисобот сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар йиғилишларида ҳам эшитилган, хусусан, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган, партия дастурий мақсадлари билан боғлиқ масалаларда ҳукумат вакиллари саволлар берган эди.

Депутатлар, аввало, ҳисоботда барча муҳим масалалар кенг қамровда акс эттирилганини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларга юборилган парламент ҳамда депутатлик сўровларига берилган жавоблар ҳам чуқур таҳлил қилингани қайд этилди.

Бу галги ҳисоботнинг аввалгиларидан ажралиб турадиган яна бир жиҳати шундаки, Ҳукумат бажарилган ишлар билан бирга келгуси ярим йилликдаги режалар тўғрисида ҳам аниқ рақамлар орқали маълумот келтирган. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, макроиктисодий барқарорлик, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг изчил ривожланишини таъминлаш йўлидаги ишлар батафсил баён қилинган. Аниқсика, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, жозибдор инвестицион муҳитни яратиш, республика ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини кўтариш борасидаги ишлар чуқур таҳлил этилган.

Фракция аъзолари Давлат дастурида кўзда тутилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ишлаб чиқиш қабул қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ этиш ишлари, дастур ижроси самарадорлигини ошириш юзасидан тақлифлар масалаларига алоҳида эътибор қаратди.


Давлат дастурида ярим йиллик учун 139 та топшириқ белгиланган бўлиб, 106 банд ижроси тўлиқ бажарилган. Ўз вақтида адо этилмаган вазифалар депутатларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди. Уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан депутатлар тақлиф ва тавсиялар ҳам берди.

Халқ вакиллари тавбиркорлигини ривожлантириш, маҳаллий ҳокимият органларидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш масалалари юзасидан Ҳукуматга алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш, унинг назоратини қатъий амалга ошириш тақлиф этилди.

Хайрулло РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Беришган ҳисоботдаги рақамларни тушундик. Ҳарид қилиш қобилияти, иқтисодий кўрсаткичлардаги ўсиш суръатлари ҳам қўнчилиққа маълум. Лекин айрим масалаларда фахрланиш эмас, уялишимиз керак. Масалан, Ўзбекистон ЯИМ аҳоли жон бошига ҳисобланганда, 1490 АҚШ долларига тенг бўлиб, биз дунё давлатлари орасида 147 ўринда эканмиз. Қўшни Қозоғистонда эса ушбу кўрсаткич бир неча йиллар давомида 8 минг доллардан ошяпти.

Ахир бизни бошқа давлатлардан



нимамиз кам? Ер ости бойликларимиз бўлса, маданиятимиз, тарихимиз жуда бой. Нега имкониятларимиздан тўлиқ фойдалана олмаймиз? Ҳисоботларда триллион, миллион дейилса, лекин халқимизнинг фаровонлиги ана шунга мос равишда ошмаёпти. Тўғри, бир-икки йил олдин 149 ўринда эдик. Икки поғона кўтарилдик. Аммо бу ҳам яхши кўрсаткич эмас.

Ер юзидан мамлакатларнинг ўртача ялпи ички маҳсулоти аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 10,5 минг доллардан юқори. Бу 4 кишилик оила йилига ўртача 40 минг доллар даромад қилиши керак, дегани. Ана шунда биз яхши натижага эришдик, халқимиз фаровон ашмоқда, деб айтсак тўғри бўлади. Ялпи ички маҳсулот тўғрисидаги рақамларнинг катталиги тўғри экани бизга қоронғу. Балки ҳукумат ўзини ўзи назорат қилиши қийиндир. Шунинг учун ялпи ички маҳсулот тўғрисидаги рақамларни мустақил орган бериши керак, деб ўйлайман.

Яна бир масала. Жойларга чиққанимизда тадбиркорларни, ўз ишмини очганларни қўллаб-қувватлаш бир ёқда турсин, маҳаллий давлат органлари томонидан эзиб, қийнаш ҳолатларига ҳалигача тўлиқ барҳам берилгани йўқ. Масалан, кимдир кичкинагина ахлат босиб ётган жойни тозалаб, ускуна ўрнатиб, йогурт ишлаб чиқармоқда. Унинг қаршисида ҳоким ёки унинг ўринбосари келиб, «кадастринг йўқ, бузаман», дейди. Унга унча, бунга бунча бериш керак ва ҳоказо. Бу масалада қатъий тизим йўқ.

Одамлар уйда куён боқяпти. Ер сўраса, берилмайди. Қачон халққа чинакамига ёрдам бериш сиёсати тўғри йўлга қўйилади? Ахир давлатимиз раҳбарининг талаби, кўрсатмалари давлат халққа хизмат кўрсатишини изчил йўлга қўйишқ...

Турсунпўлат НОРБОЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Давлат дастурининг ижроси юзасидан, мана, икки чоракдан бери Ҳукумат ҳисоботини эшитилимиз. Лекин ўтган чоракда ҳам, бу чоракда ҳам Давлат дастури бандларининг бажарилиш мuddати ҳақида ҳеч нима йўқ. Эртага йил охирига борганда бажарилди, ба-

жарилмади, деган умумий маълумотдан нима фойда?

Ахир Давлат дастури — давлат раҳбарининг талаби — халқ фаровонлиги, юрт тараққиёти учун қилиниши шарт бўлган масалалар жамланмаси. Уларнинг ижроси устидан депутатлик, парламент назоратини ўрнатишимиз, ҳамкорликда ишлашимиз, керак бўлса, ёрдам беришимиз зарур. Бир-биримизга умумий гаплардан иборат маъруза ўқиш билан ҳеч нарсага эриша олмаймиз.

Масалан, Дастурда белгиланган, аммо бажарилмаган бандлар тўғрисида ҳисоботда маълумот йўқ. Ахир бу вазифаларнинг ортда халқ манфаати турибди!.. Унга хиёнат қилишга эса ҳақимиз йўқ. Биринчи ярим йилликка мўлжалланган, аммо бажарилмаган бандларнинг тақдири қоронғу бўлмоқда. Ҳозиргина кўтарилган қўриқчилик билан боғлиқ масалани давом эттирган ҳолда, биз дуч келаётган кўнгилсиз ҳолатларни айтиб ўтмоқчиман. Барчамиз юртимизда оммавий қурилиш, бунёдкорлик жараёнига гувоҳ бўлиб келямиз. Ахир турар жойлари, турли объеклар, элит, яъни олий даражадаги уйлар бир зумда қурилмақда. Албатта, ривожланиш даврида аҳоли сонининг ортиши кузатилади. Уларга қўшимча уй-жойлар қуриш долзарб масалага айланиб боради. Лекин уларнинг сифати ҳақида бош қотириш мумкин, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда мен, аҳоли учун мақбул, аммо аслида ҳаммага ҳам мақбул бўлмаган уйларнинг сифати ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Биринчидан, ўз номи билан мақбул деб аталаётган уйлар, у қадар мақбул эмас. Иккинчидан, айрим уйларнинг сифатидан одам уялиб кетади. Кечирасизлару, шу босишдан Оҳангарон туманидаги қўллаб янги уйлар бўм-бўш турибди. Бундай турар-жой биноларнинг аксарияти талабга жавоб бермайди. Бу эса аҳолининг ўлган қизиқишини йўқотмоқда. Аввало, уйлар жойлашуви, инфратузилмаси, танланган жойи тўғри бўлиши керак. Ҳали одам яшамасдан, қўчиб кирмасдан туриб эшикларни бузилади, дераза ромлари ёпиқса, очилмади ёки бунинг акси. Хоналар ўртасидаги гишт ўрнига гипсокартон ўрнатилади. Иккита хонада турган одам бир-бирининг нафас олишини ҳам эшити олади. Айрим хоналарда электр ўтказгичлари йўқ. Ювиниш хоналари но-

Саттор РАҲМАТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Хабарингиз бор, депутатлар ҳар ойда жойлардаги сайловчилар билан учрашади. Уларни ўйлантираётган муаммоларга ечим топишга, қўмаклашишга ҳаракат қилади. Шундай ҳолатлар борки, йиллар давомида хал эйтилмай келмоқда. Масалан, йўлларни олайлик. Айримлари сифатсиз бўлса, бошқаси йиллар давомида қуриб битказилмади.

Давлат дастурида соҳани тубдан ўзгартариш мақсадида халқаро стандартларга мос бўлган меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш масаласи қўйилган. Ушбу жараён қайси босқичга келгани ҳақида халққа нима деймиз? Одамларга мана шу каби масалалар қизик-

Ҳукумат аъзолари таъкидлаганидек, йўл қурилиш учун катта маблағлар ажратилмоқда. Афсуски, бу амалда кўринмаёпти, сезилмаёпти. Қаердадир “бўлди-бўлди” қабилда амалга оширилаётган ишлар натижасида йўллар сифати талабга жавоб бермаёпти. Аслида йўллар турига, жойига қараб меъёрлар асосида қурилиши зарур. Айрим ҳолларда эртага комиссия келади, деб шошма-шошарлик билан бунёд этилаётган йўллар борлигини тан олиш адолатдан бўлади, назаримда. Мана шу масалаларга чек қўйиш, йўл қурилиши соҳасида назоратни кучайтириш талаб этилади.

Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

Ҳозиргина кўтарилган қўриқчилик билан боғлиқ масалани давом эттирган ҳолда, биз дуч келаётган кўнгилсиз ҳолатларни айтиб ўтмоқчиман. Барчамиз юртимизда оммавий қурилиш, бунёдкорлик жараёнига гувоҳ бўлиб келямиз. Ахир турар жойлари, турли объеклар, элит, яъни олий даражадаги уйлар бир зумда қурилмақда. Албатта, ривожланиш даврида аҳоли сонининг ортиши кузатилади. Уларга қўшимча уй-жойлар қуриш долзарб масалага айланиб боради. Лекин уларнинг сифати ҳақида бош қотириш мумкин, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда мен, аҳоли учун мақбул, аммо аслида ҳаммага ҳам мақбул бўлмаган уйларнинг сифати ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Биринчидан, ўз номи билан мақбул деб аталаётган уйлар, у қадар мақбул эмас. Иккинчидан, айрим уйларнинг сифатидан одам уялиб кетади. Кечирасизлару, шу босишдан Оҳангарон туманидаги қўллаб янги уйлар бўм-бўш турибди. Бундай турар-жой биноларнинг аксарияти талабга жавоб бермайди. Бу эса аҳолининг ўлган қизиқишини йўқотмоқда. Аввало, уйлар жойлашуви, инфратузилмаси, танланган жойи тўғри бўлиши керак. Ҳали одам яшамасдан, қўчиб кирмасдан туриб эшикларни бузилади, дераза ромлари ёпиқса, очилмади ёки бунинг акси. Хоналар ўртасидаги гишт ўрнига гипсокартон ўрнатилади. Иккита хонада турган одам бир-бирининг нафас олишини ҳам эшити олади. Айрим хоналарда электр ўтказгичлари йўқ. Ювиниш хоналари но-

соз, сув қувурлари омонат қилинган. Бу эҳтиёмданди шахслар учун қурилаётган уйларнинг аҳоли талабга жавоб бермаслиги билан боғлиқ ҳолатлар. Натижада кредит эвазига уй сотиб олаётган шахслар дарров унга қўчиб қиролмаяпти. Сабаби, яшаш учун яна бир қанча сарф-харажат талаб этилмоқда.

Шунингдек, Уй-жой кодексида муниципал турар-жой тушунчаси мавжуд. Яъни, кредит эвазига ҳам арзон уй сотиб олиш имкониятига эга бўлмаган кишиларни бошлана билан таъминлаш ҳақида йўлаб қўриш керакдир. Мамлакатимизда уй-жойга бўлган талабни ўрганиш бўйича аниқ рақамлар бор бўлса, уларнинг ҳақми қандай? Мана шуларни аниқлаб, чора қўриш лозим. Биз фақатгина бир квадрат метри 10 миллион сўмдан ошиб бўлган қимматбаҳо уйларни қуришда давом этаёмизми? Ёки қўп болали оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар учун ёки бўлмаса, ҳокимият балансида турадиган муниципал уйлар қуриш ҳақида ҳам бош қотираёмизми? Ахир дунёда ҳамма ҳам ўз шахсий хонадонига эга бўлмайди.

Мазкур масала мактаблар, мактабгача таълим муассасалари ва давлат муроти ҳисобланган йўллар қурилишига ҳам тааллуқлидир. Келинлар, халқ ҳақида ўйлаймиз, деганда ҳақиқатдан ҳам улар ҳақида ўйлайлик, уларга муносиб шароит яратишга ҳаракат қилайлик. Қурилаётган арзон уйларга аҳоли қўчиб қирадим, уларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун у ерда шарт-шароит етарлими, деган саволлар атрофида бош қотирайлик. Уйлар жойлашган ҳудудни транспорт, сув, газ ва яна бошқа яшаш учун зарур воситалар билан тўлиқ таъминлаш устувор вазифа эканини ҳам унутмаслик зарур.

Эшитувда яна қатор масалаларда депутатлар кескин саволлар, эътирозлар, тақлифлар ҳамда танқидий таҳлил фикрларини билдирди. Ҳар бир масалада очик ва ошкоралик вақти келганини таъкидлашди: қилинган ишлар барчага маълум, лекин бажарилмаган вазифалар тақдири, уларнинг амалиётга, ҳаётга тадбиқ этилиш мuddати бўйича аниқ режалар, чора-тадбирлар хусусида бахс-мунозаралар бўлди.

Йиғилиш бир-бирдан рози қайфиятда якунига етди, деб ўйланган эдик. Аммо ҳукуматнинг айрим вакиллари эшитувдан кейин депутатлар томонидан билдирилган эътирозлар, берилган саволлар, айтилган аччиқроқ гаплардан норозилиklarини яшириб ўтирмади. Парламент вакилларининг одамларни норози қилаётган ҳолатлар ҳақида очик-ойдин гапириши ҳукумат аъзоларининг қайфиятига салбий таъсир кўрсатгани эътирозлардан билиниб қолди. Масалан, Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Зокиров депутат унга овозини кўтаришга ҳаққи йўқлиги, у депутатнинг боласи эмаслигини айтиб, ўзини оқламоқчи бўлгандай туюлди. Вазирлик ва идоралар вакиллари орасида парламент аъзоларининг қатъий эътирози, танқидий фикрларини эшитишга тоқати йўқ кишилар ҳали ҳам борга ўхшайди. Ўйлашимизча, парламент эшитувлари “ҳаммаси яхши кетяпти”, деган юмшоқ ва сохта мухокамалар учун эмас, муаммоларни айтиб, уларга ечим топиш йўлларини қидириш учун ўтказилиши керак. Ҳар ҳолда, ҳозирги юксак талаб шундай.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазирлиги
ҳузуридаги Электр
энергетикада назорат
инспекцияси томонидан
«Ўздавэнергоназорат»
фаолияти ва келгусидаги
режалари хусусида матбуот
анжумани ўтказилди.

Электр энергия тежамкорлиги ошмоқда

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда энергетика соҳасида туб ислохотлар амалга оширилаётгани ҳамда ушбу ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 90 фоизи иссиқлик электр станциялари, 10 фоизи гидроэлектр станциялари ҳиссасига тўғри келаётгани таъкидланди.

— Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 24 июндаги тегишли қарорига асосан «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг фаолияти янада аниқ белгилаб берилган, — дейди **Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси бошқарма бошлиги Абдурасул Усмонов.** — Хусусан, электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш, шу билан бирга, кўмирдан фойдаланиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, талаб-тартибларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширади. Шунингдек, электр энергия самарадорлиги ва истеъмолчи маданиятини ошириш йўналишларида ҳам қатор тадбирлар назоратини ташкил этади.

— Электр энергия тежамкорлигига эришиш долзарб масаладир, — дейди **Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси бошқарма бошлиги Алишер Тўраев.** — Бунинг учун ишлаб чиқарилаётган электр энергияни узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда талаб-тартибларга амал қилиш ҳамда давлат назоратини кучайтириш зарур. Шунингдек, эскирган ва мuddатини ўтаган электр технологияларини янги, замонавий ускуналар билан алмаштириш ҳам самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилнинг биринчи йили йилгида юртимизда 633 та эскирган ускуна янгисига алмаштирилиши натижасида 182 миллион кв/соат энергия тежамкорлигига эришилди. Йил якунига қадар яна 1200 та эскирган электр технологиялари ўрнига янгиси ўрнатилиб, бир йилда 647 миллион кв/соат электр энергияни тежаш режалаштирилган.

Шунингдек, тадбирда электр энергияни тежаш борасида пойтахтимизнинг Юнусовбод туманида тажриба тариқасида ўтказилаётган лойиҳа ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Жумладан, аҳоли учун, яъни бир хонадонга бир ойга 300 киловатт/соат электр энергияси белгиланган нархда сотилади. Агарда хонадонда бир ой давомида электр энергия сарфи шу меъёрдан ошиб кетса, амалдаги нархдан 20 фоиз қимматроқ нарх тўлашга тўғри келади. Бу тажриба қўлланилиши электр энергиядан оқилона фойдаланиш билан бирга, аҳолида тежамкорлик маданиятини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Тошметн ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Касаба уюшмалари ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади

Касаба уюшмалари меҳнат ва у билан боғланган бошқа муносабатларда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қандай ҳимоя қилади? Ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида қандай жиҳатларга муҳим эътибор берилган?

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган тадбирда ана шу саволларга жавоб берилди. Унда депутатлар, экспертлар, касаба уюшмалари ташкилотлари ходимлари, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ўзбекистон

Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев ва бошқалар жамоатчилик муҳокамасида “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиш зарурати, унинг мазмун-моҳияти ва лойиҳадаги янгиликлар тўғрисида сўз юритди.

Маълумки, қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш қонун ижодкорлиги фаолиятида жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш, қонун лойиҳаси тўғрисидаги ахборотнинг очиқлигини таъминлаш ва ундан фойдаланиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мазкур тадбирда ҳам қонун лойиҳа-

си кенг баҳс ва муҳокамаларга бой бўлди.

Касаба уюшмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти, фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирилаиш ҳуқуқларини рўйбга чиқариш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонуннинг қабул қилинишидан кўзланган мақсад касаба уюшмаларининг жамоа бирилашмаси ташкилотли сифатида ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали жамиятни янада тараққий эттиришга хизмат қилишига эришишдир.

Тадбирда мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди.

М.СҲАЙМОНОВ,
Ўза муҳбири.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“ҚУРОЛ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУН БҲЙИЧА

5 **ТА** **ТУШУНМОВЧИЛИК**

1 **ЯНГИ ҚОНУН ҚУРОЛ БҲЙИЧА ҚАНДАЙ**
ЕНГИЛЛИКЛАР БЕРАДИ?

Ҳеч қандай. Аксинча бугунги кундаги қараганда қўллаб чекловлар ва янги тартиблар киритади.

Масалан, эндиликда электрошокер ва газли қуролларни фақатгина руҳсатнома олгадан кейин сотиб олиш мумкин. Илгари бундай чеклов мавжуд эмас эди.

2 **ФУҚАРОЛАР ЭНДИЛИҚДА ҲИ ИСТАГАН**
ҚУРОЛНИ СОТИБ ОЛИШИ МУМКИНИ?

Асло йўқ. Янги қонун бу масалада қатъий чекловларни ўрнатади.

Фуқаролар фақат ов, спорт ва ўзини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаровий қуролларни харид қилиш мумкин. Бундан ов қуролидан фақат ов мақсадида, спорт қуролидан фақат спорт машғулотларида фойдаланиш мумкин.

Фуқаролар бошқа турдаги қуролларга эгалик қилишлари қатъий тақиқланади.

3 **ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИДАН ИЛГАРИ**
ҲАМ ФУҚАРОЛАР ҚУРОЛ СОТИБ ОЛИШИ
МУМКИНИМИД? ЁКИ БУ ЯНГИЛИКМИ?

Бу янгилик эмас. Фуқаролар шу кунга қадар ҳам ов, спорт, пневматик қуролларни овчилик жамиятлари ва спорт дўконидан сотиб олиши мумкин эди.

Қонунда фуқаровий қуролларни аниқ тушунчалари ва таснифлари белгилаб берилди.

Шунингдек, қуролларни сотиб олиш ва сақлаш бўйича қатор талаб ва чекловлар қўйилди.

4 **ФУҚАРОЛАР ҚУРОЛНИ ИСТАГАН ЖОЙДА**
ОЛИБ ЮРИШ МУМКИНИ?

Мумкин эмас. Қонунда фуқаровий қурол олиб юриш мумкин бўлмаган объектлар аниқ белгилаб қўйилди. Илгари бу масала аниқ тартибга солинмаган эди.


Масалан, оммавий тадбирлар вақтида, кўнгилоҳар ва ҳордиқ чиқариш жойларида, таълим, тиббиёт муассасаларида, шунингдек маст ҳолда фуқаровий қуролни олиб юриш қатъий тақиқланди.

5 **ФУҚАРОВИЙ ҚУРОЛЛАРНИ ҲАР**
ҚАНДАЙ ШАҲС ОЛИШИ МУМКИНИ?

Йўқ мумкин эмас. Қонунда қурол сотиб олиши мумкин бўлмаган шахслар тоифаси ҳам аниқ белгилаб берилди.

Жумладан, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлар, жазони ўтаётганлар, яшаш жойига эга бўлмаганлар ва илгари қурол билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар қурол сотиб олиш ҳуқуқига эга эмас.

advise.uz

@huquqlayxborat

Инсон ҳуқуқи, шаъни, қадри ҳамма нарсадан устун



Инсонпарварликнинг яна бир ёрқин намунаси



Умуминсоний қадриятларга дахлдор бўлган бу қарор бутун дунёга ёйилди. Давлат ва сиёсат арбоблари бу янгилликка эътибор қаратиб, унга юксак баҳо бера бошладилар.

Биринчилардан бўлиб муносабат билдирган АҚШнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Памела Спратлен шундай деди:

— Жуда ҳам рамзий аҳамиятга эга қарор! Модомики, Жаслик тўлиқ ёпилар экан, бу воқеа ўтмиш билан ришталарни узиш учун ўта кучли ва зарур ишора бўлди. Янги Ўзбекистон учун ундай масканлар керак эмас ва ҳукумат бунга англаб етгани низоҳатда муҳимдир.

Human Rights Watch ташиклоти вакили Стив Свирдлоу бу қарорни "Ўзбекистондан фантастик янгиллик" деб баҳолади ва "Президент жуда катта сиёсий жасорат намойиш этди", деди.

Дарҳақиқат, Қўнғирот тумани Жаслик қўрғони ҳудудида жойлашган бу қамқоқхонанинг ёпилиши мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди. Халқимиз бу қарордан мамнун бўлиб, ўз

миннатдорлигини билдирмоқда. Бунинг бош сабаби нимага? Қўллаб-мамакатлар давлат ва сиёсат арбоблари бу воқеага нега катта эътибор билан қарамоқда?

Биринчидан, 1999 йилда қурилган бу қамқоқхона ҳақида гап-сўзлар кўп эди. Маҳбустларга муносабат масаласида турли миш-мишлар юрарди. Тўғриси, Ўзбекистон обрўсига путур етказадиган ҳар хил қарашлар бор эди. Одамлар орасида "борса, келмас", деб ном олган бу қамқоқхона Ўзбекистондаги демократик жараёнларга, халқимиз руҳиятига ҳам мос келмас эди.

Иккинчидан, бу ҳудудда ёзнинг жазираси, кишининг аёзига чидаш осонмас. Бунинг устига, ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар бор эди.

Яна бир муҳим сабаб — бу колония Нукус шаҳридан 300 км., Қўнғирот тумани марказидан 180 км. узоқликда жойлашгани маҳкумларнинг оила аъзолари, қариндошлари учун катта қийинчиликлар туғдирарди.

Шунинг учун ҳам бу қамқоқхонанинг ёпилиши ҳар жиҳатдан тўғри бўлиб, одамлар манфаатига мос келади. Маҳкумлар

нинг ҳуқуқларини кафолатлайди, уларнинг сақлаш шароитларини яхшилайдди.

Кеча Миллий матбуот марказида ушбу воқеага бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида ҳам қарорнинг аҳамияти ҳақида атрафлича тўхталинди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари Баҳромбек Адилов бу қамқоқхонада оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилган ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганлар сақланиб келинганини айтди. Бу колониянинг бугунги кундаги лимити 1100 ўринли бўлиб, ҳозирги кунда 395 нафар маҳкум сақланаётгани, улардан атиги 10 фоизи диний-экстремистик жиноятлар учун ҳукм қилинганлар эканини таъкидлади.

Шунингдек, матбуот анжуманида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга нисбатан қийноқ ва бошқа таъзиялар ўтказиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, хавфсизлигини таъминлаш учун бугунги колониялар ҳудуди 2648 та замонавий видеокузатув мосламалари билан жиҳозланганига эътибор қаратилди. Матбуот анжуманида айтилдики, қарорда курсатилган бир ой муддатда маҳкумлар суд томонидан белгиланган жазони ўташ тартибига қўра, судланганлар оиласи яшаб турган ҳудудларга яқин жойдаги колонияларга жойлаштирилади.

Журналистлардан бири Жасликдаги колония ўрнида келгусида нима бўлиши билан қизиқди.

— Бу колония келгусида бошқа бирон объектга айлантирилиши ҳозирча номатълум, — деди ИИБ Жазони ижро этиш бош бошқармаси бошқарма бошлиғи Жамшид Султонов. — Лекин шунинг аниқ айтмагани, 19-сон жазони ижро этиш колонияси ўрнида энди бошқа колония ташкил этилмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан жазони ижро этиш соҳасида келгусида амалга оширилиши режа қилинган ишлар ва ушбу қарор моҳиятини кенг оммага янада аниқроқ тушунтириш мақсадида пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари полковник Баҳром Адилов, Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси бошлиғи генерал-майор Қўтбидин Бурхонов, шунингдек, ИИБ Жазони ижро этиш бош бошқармасининг раҳбар ходимлари, маҳаллий ва мамлакатимизда аккредитациядан ўтган бир қатор хорижий ОАВнинг вакиллари иштирок

фаолиятининг, сиёсатининг ўзига хос жиҳати шундаки, у давлат раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки кунларданок фуқароларимиз эрки, ҳуқуқлари, шаъни, қадрини ҳимоя қилишга қатъий киришди. Бу ишлар осонликча амалга ошмаётганини кўриб турибмиз. Узоқ йиллар давомида фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини, қонунларни оёқости қилиб келган идораларнинг нопок, худбин, одамларни жазолашдан роҳатланганидан эҳтирослиқ билан тазалаш учун муроасасиз кураш олиб борилмоқда. Жасликдаги колонияни ёпиш тўғри-

сидаги қарор инсон ҳуқуқи ҳимояси, инсон қадрини улуглаш бўйича қилинаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлади.

Бу қарор мамлакатимизнинг узоқ бир чеккасидаги қамқоқхонада ётган маҳкумлар манфаати ва тақдири тўғрисида қайғуришнинг амалий ифодаси бўлди. Адолатли иш бўлди. Давлатимизнинг бугунги сиёсатига мос иш бўлди. Хайри ва савобли амал бўлди. Бу воқеанинг аҳамияти ва қадрига етмоқ керак, албатта.

Сафар ОСТОНОВ

ТЎРАҚЎРҒОН ИЭС ИШГА ТУШСА,

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИ ТЎЛИҚ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИМКНИ ПАЙДО БЎЛАДИ

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

Наманган гуллар шаҳри сифатида дунёга танилган. Кўп асрлик ҳунармандлик мактаби ҳам маълуму машҳур. Бугун вилоятда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ана шу жаҳоний эътирофга ҳамоҳанг кечмоқда.


Тўрақўрғон туманида иссиқлик электр станцияси қурилаётгани эса нафақат вилоятликлар, балки Фарғона водийси ахлини хурсанд қилмоқда. Чунки иншоот тўлиқ қувват билан ишга тушса, водий халқини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имкони пайдо бўлади.

Яқинда бир гуруҳ журналистлар Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллиард 195 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлиб, у Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва "Ўз-

бекэнерго" АЖ маблағлари асосида молиялаштирилган. Станция Япониянинг "Mitsubishi Corporation" ва "Mitsubishi Hitachi Power Systems" консорциуми томонидан барпо этилмоқда. Туркиянинг "Calik Enerji" компанияси мутахассислари ҳам қурилиш-монтаж ишларида қатнашмоқда.

Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қурилиш дирекцияси раҳбари Акмал Файзиёвнинг маълумот беришича, 90 гектар ҳудудни қамраб олган майдоннинг 22 гектарида қазих ва текислаш ишлари олти ойда бажарилган. Бу ерда иккита буғ-газ қурилмаси қад ростлаган. Улар марказий бошқарув пулти орқали назорат қилинади.



Айни чоғда иншоотда қурилиш ишлари деярли тугалланган. Биринчи ва иккинчи буғ-газ қурилмаларида асосий электр энергияни ишлаб чиқарадиган барча ускуна ва агрегатлар ўрнатилган. Уларда монтаж ва сошлаш ишлари якунига етган. Ҳудудда йўл ва коммуникация тармоқлари барпо этилган, ишчилар учун тўрт қаватли учта уй қурилган. Дирекция маъмурияти уч қаватли бинода жойлашган, Ёнгин хавфсизлиги хизмати алоҳида махсус бинода жойлашган, бетон заводи ва бошқа ёрдамчи ҳўжаликлар фаолияти йўлга қўйилган.

— Қурилиш ишларида 2500 дан ортиқ ишчи-ҳодим ва мутахассис жалб этилди, — дейди Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси бош муҳандиси Нодир Насибалиев. — Уларнинг 550 нафари Япония, Туркия, Ҳиндистон ва яна йигирмадан

ортиқ давлатдан келди. Ҳозир қурилиш ишлари якунига етмоқда. Шу босис энди бу ерда соҳа мутахассисларига қўзғингиз тушади. Улар айни кунда монтаж ишлари билан банд. Яна бир янгиллик — биринчи буғ-газ қурилмасида синов жараёнини бошладик ва 10 августдан 300 МВт қувватни тармоққа бера бошлаймиз. Бунда бир вақтнинг ўзига синов ишлари ҳам олиб борилади. Шундай қилиб, иссиқлик электр станциясининг биринчи буғ-газ қурилмаси жорий йилнинг сентябрь ойида, иккинчиси эса декабрда ишга туширилади.

Марказий бошқарув пулти фаолияти билан танишув чоғида япониялик мутахассислар ҳам ушбу лойиҳанинг амалий аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

— Бу ерда асосий ишларни якунладик, — дейди "Mitsubishi Hitachi Power


Systems" консорциуми лойиҳа менежери Хироши Отакура. — Қурилиш ишларида компаниямизнинг 30 нафар япониялик ва 55 нафар бошқа давлатлардан келган вакиллари қатнашмоқда. Юртингизда ишлаш бизга маъқул бўлди. Келгусида яна шундай лойиҳаларда иштирок этиш ниятимиз бор.

Мухтасар айтганда, мазкур йирик иншоот мамлакатимизда ягона бўлиб, у бугун Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган улкан ишларнинг амалдаги самарасидир. У ишга туширилган, 900 МВт қўшимча қувват ёки йилга 6,7 миллиард кВт/соат электр энергия ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади, 300 янги иш ўрни яратилади.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎзА мухбири.

Қилмиш-қидирмиш

Меҳнат қилиб,
ҳалол яшаса
бўларди.
Аммо...



...Суд залида ҳозир бўлганларнинг айримлари панжара ортида ўтирган 20 ёшли йигитларга ачиниш билан қараса, бошқаларининг нигоҳида нафрат кўринади. Тўғриси, уларга бир томондан ачинасан киши. Лекин бир нечта жиноятга қўл ургани учун уларга газаб билан қаралади.

Содиқ Ярашов ҳамда Ботир Саидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 17-20 ёшда жиноятга қўл урган эди. Бироқ улар ҳулоса чиқармади. Ёшлиқнинг куч-ғайратидан унумли фойдаланиб, ҳаёт кечирishi ўрнига яна жиноятга қўл уришди.

Содиқ ва Ботир ўртоқлари билан Чилонзордаги кафедра ярим тунгача кўнгилихушлик қилишди. Улар кафедран чиқиб, автомашина ҳайдовчисидан Ўшқобод тумани Фарғона йўли қуёсига жойлашган уйга элтиб қўйишни сўрашди. Манзилга етишгач, олд ўриндиқда ўтирган Содиқ ҳайдовчига қараб, дўстлари ҳозир уйдан пул олиб чиқишни айтади. Ҳайдовчи кутишга рози бўлади.

— Ака, телефонингиздан уйга кўнгирик қилсам майлими, — деб сўрайди Содиқ пайт пойлаб.

Ҳайдовчи уяли телефонини узатади. Шу пайтда Содиқ мушти билан ҳайдовчининг қўзига уради. Телефонни олиб кўп қаватли уйлар орасида гойиб бўлади. Эртаси куни муштумўрлар учрашиб, уяли телефонни 120.000 сўмга сотишди. Чилонзордаги кафега кириб, ярим тунгача ароқ ичишади. Кўчага чиқиб, яна машина тўхтатишди, — дейишади.


— Кўйлиққа олиб борсангиз. "Спарк" автомашинаси ҳайдовчиси билан савдолари пишган, келишилганидек, Содиқ олд ўриндиққа ўтиради. Йўлда ҳайдовчининг телефонидан 3-4 марта фойдаланиб, кимлар билан гаплашгандай бўлди. Манзилга етишгач, дастлаб орқа ўриндиқдагилар тушиб, кўздан узоқлашишади. Содиқ эса ҳайдовчининг телефонини олиб қочиб кетади. Табиийки, ҳайдовчи ўғрининг орқасидан қувади. Бироқ ета олмайди. Эртаси куни улар яна учрашиб, телефонни 520.000 сўмга пуллашади. 5 ноябрь куни эса "Кобальт" русумли автомашина ҳайдовчисининг телефонини олиб қочиб, 300.000 сўмга сотишади. Уларнинг қилмишлари шу билан тугамайди.

Уша куни Х. Алимов кеч соат 22:00 ларда автомашинасига газ қўйдириб олиш мақсадида рулни шохобчага буради. Шу пайт "Ласетти" русумли автомашинадан Содиқ ва унинг дўстлари маст ҳолатда келиб қолишади, Содиқ бегона одамдан сигарет сўрайди. Йўқ, деган жавобни олгач, Х.Алимовни ҳақорат қилади. Кейин унинг юзига тўсатдан мушт туширади. Х.Алимов йиқилиб тушади Содиқнинг нарироқда турган шериклари ҳам етиб келишади. Улар биргалашиб, уни уриб, тепкилашади...

Суд судланувчиларга жазо тайинлашда айбига иқролригини, қилмишидан, пушаймонлигини, оилавий шароити ҳамда ёшлигини инобатга олади. Аммо жиноятга жазо муқаррар.

Улар турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Энди ёшлиқнинг энг гуллаган пайти қамқоқхоналарда ўтади.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Афв — фақат суд ҳукми билан жазо тайинланган маҳкумларга эълон қилинади.

МУСТАҚИЛЛИК ВА АФВ

ёки афвнинг амнистиядан қандай фарқи бор?

Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллигини нишонлаш арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб йўлимиз, амалга оширилган тарихий ишлар, эришилган натижалар аҳамияти ва моҳияти ҳақида фикрлашиб олиш ҳулосалар чиқариш, ютуқ ва камчиликларни ҳолисона баҳолаш имконини беради.

Ўйлаб кўрсак, мустақиллик йилларида олиб берилган кенг қўламли ислохотлар орасида тинчлик ва оқсоқилликни сақлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини кучайтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилганига ишонч ҳосил қиламиз.

Мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорликлар замирида ҳам инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари мужассам. Бу тамоиллилар биллиб-билмай жиноятга қўл урган, судланганларга нисбатан ҳам татбиқ этилмоқда.

Маълумки, жиноят содир этган шахс нафақат ўзининг, балки фарзандлари, ота-онаси, қавму қариндошларининг ҳам келажаги ва тақдирига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Озодликдан маҳрум бўлган кишининг фарзандлари ота меҳридан айрилади, ота-оналари бағрини куйдиради.

Шу сабабли хато қилган ва бугунги кунда қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган шахсларни кечириб давлатимиз инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин намунасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлатимиз инсонпарварлик сиёсатида ҳалқимизнинг кечиримли бўлишдек олижаноб фазилатларидан келиб чиқиб, 2018 йил 8 майда «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда тақдим этиш, расмийлаштириш ва қўриб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия қарарлари тасдиқланган ҳужжатлар рўйхатида жазони ижро этувчи муассасанинг маъмурияти томонидан тасдиқланган маҳкумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси қўйилди.

Мазкур янги Фармон ва Низомнинг қабул қилиниши давлатимизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқаролар учун ғамхўрлигининг ёрқин мисолилар.

Зеро, жиноятга қўл урган, боши деворга теккандан сўнг адашганлигини тушуниб етган одамларни афв этиш —

илтимосномани киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар рўйхати бирмунча аниқлаштирилди. Эски Низомда «Афв этиш ҳақидаги илтимоснома, қоида тариқасида, судланган шахс томонидан ёзма шаклда Ўзбекистон Республикаси Президенти номига берилади» деб белгиланган эди. Янги Низомда эса ушбу илтимоснома судланган ёки жазони ўтаб чиққан шахс, шунингдек, қонун томонидан илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс (орган) томонидан киритилиши мумкин эканлиги келтирилган. Шунингдек, илтимоснома бошқа шахс (орган) томонидан берилганда афв этилиши сўралаётган шахсининг ёзма розилиги бўлиши керак.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссиянинг таркибига кимлар кириши аниқ кўрсатиб берилди. Янги Низомга асосан, ушбу комиссиянинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, шунингдек, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси вакилларидан иборат бўлади.

Шунингдек, комиссия таркибига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, бошқа давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг вакиллари ҳамда бошқа шахслар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Учинчидан, афв этиш ҳақидаги илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар сони ортди. Жумладан, илтимосномани дастлабки тарзда қўриб чиқувчи Президент ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия секторига илтимоснома билан бирга юбориладиган ҳужжатлар рўйхатида жазони ижро этувчи муассасанинг маъмурияти томонидан тасдиқланган маҳкумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси қўйилди.

Мазкур янги Фармон ва Низомнинг қабул қилиниши давлатимизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқаролар учун ғамхўрлигининг ёрқин мисолилар.

Зеро, жиноятга қўл урган, боши деворга теккандан сўнг адашганлигини тушуниб етган одамларни афв этиш —



муқаддас динимизнинг ҳам асосий арконларидан бири саналади.

«Афв» ва «Амнистия» тушунчаларини бир-бирдан фарқлай олишимиз даркор. Чунки аксарият инсонлар афв ва амнистия бир хиллик, шунингдек, амнистиянинг ўзбекча таржимаси авф бўлади, деб ўйлашади. Тўғри, иккала тушунчанинг асосий мақсади битта — меҳр-шафқат ва инсонпарварлик таъминлашга асосланиб, жиноят содир этган шахснинг кечириб ва уни жазодан бутунлай ёки қисман озод қилишдир. Бироқ, шундай бўлишига қарамайдан бу икки тушунча бир-бирдан фарқланади. Афв ва амнистия қандай шаклларда амалга оширилади? Улар қандай фарқланади, деган саволларга

жавоб топиш учун қуйидаги фарқларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, афв — бу муайян шахслар учун, уларнинг шахсини таъсирловчи маълумотларни (ёғи, соғлигининг ҳолати, оилавий ҳаёли) инобатга олиб, жазодан озод қилиш ҳисобланади. **Амнистия** — аниқ шахсларга эмас, умумий тоифаларга эълон қилинади.

Иккинчидан, афв — фақат суд ҳукми билан жазо тайинланган маҳкумларга эълон қилинади. **Амнистия** — жиноят процессининг исталган босқичида — дастлабки тергов, суриштирув, терговга қадар текширув ва ҳаттоки жиноят ишнинг қўзғатишгача бўлган босқичда ҳам қўлланилиши мумкин.

Бошқача айтганда, амнистиянинг афв этишдан фарқи ҳусусияти шундаки, амнистия кенг мазмунга эга бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан ҳам, жиноий жазодан ҳам озод қилади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан, афв фақат Президент томонидан эълон қилинади. Амнистия акти — Президент тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан эълон қилинади.

Тўртинчидан, амнистия актларини қўллаш масаласи — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ва судлар томонидан қўриб чиқилади. 2008 йилдан бошлаб амнистия актини қўллашга оид якуний қарорни фақат судлар чиқариши белгилаб қўйилган. **Афвни қўллаш масаласини** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича махсус комиссия ҳал қилади.

Бешинчидан, амнистия акти чиққан кейин, уни кимларга қўллаш масаласини ҳал қилиш узоққа чўзилади ва қўллаб ташкилий жараёни ўз ичига олади. Афвни қўллаш эса қўп вақт ва тартибни талаб қилмайди. У қабул қилиниши билан дарҳол ижро этилади, бунинг учун яна алоҳида босқичлардан ўтиш шарт эмас.

Олтинчидан, афвни қўллаш учун одатда жиноят содир этган шахсларнинг илтимосномаси асос бўлади. **Амнистия актини қўллашда** эса бундай илтимоснома талаб этилмайди. Терговчи, прокурор, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва судлар амнистия актига тушадиган барча шахслар рўйхатини шакллантириб, уларга амнистия қўллаш масаласини ҳал этиши лозим. Бироқ қонунчиликда жиноий жавобгарликка тортилган шахслар ўзига амнистия акти қўлланишини хоҳламаса, уларга истисно тариқасида амнистия актини қўллаш тақиқланади. Шахслар ўзини афв этилишини сўраб илтимоснома беради, амнистия акти эса шахсларнинг хоҳиш-истагига қарамайдан ҳаммага умумий қўллабди.

Ҳулоса қилиб айтганда, афв этиш ҳам, амнистия ҳам ҳалқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварлик фазилатларининг тасдиғи, давлатимизнинг инсон манфаати ҳамма нарсадан устун сиёсатининг амалдаги ифодасидир.

Шавкат ГАЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди
катта консултант.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Пойтахтимиздаги «Miran International Hotel» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ташаббуси билан АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), Европа ва Ўрта ер денгизи ўсимликлар карантини ва химояси (EPPO), Осиё тараққиёт банки (ADB) ва бошқа нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликда фитосанитар хавф таҳлилга бағишланган халқаро семинар ташкил этилди.

Давлатлар ўртасида фитосанитар хавфсизлик:

ҳамкорлик алоқалари кенгаймоқда



Тадбирда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, Марказий Осиё давлатларининг қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги етакчи экспертлари, шунингдек, инспекция раҳбарияти ва ходимлари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққан Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи Иброҳим Эргашев, Европа ва Ўрта ер денгизи ўсимликлар карантини ва химояси ташкилоти Бош директори Нико Хорн, Халқаро тараққиёт агентлиги лойиҳа раҳбари Джефф Райт «Марказий Осиё давлатлари — АҚШ» (C5-1) форматининг асосий лойиҳаларидан бири, яъни ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик қилиш, аъзо мамлакатларнинг фитосанитар ҳолатини яхшилаш, зараркундалар тарқалишининг олдини олиш ҳамда чет эл мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим эканлигини таъкидлашди. Шунингдек, мазкур лойиҳа доирасида ташкил этилган семинарда Ўзбекистон, Қозғистон, Тожикистон ва Туркменистон карантин хизматлари ўртасида фитосанитар хавфсизликни таъминлаш ҳамда зарарли организмларга қарши кураш борисида амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан ўзаро тажриба алмашиш, карантин инспекциялари мутахассисларида фитосанитар хавфни прогнозлаштириш ва таҳлил қилиш кўникмасини оширишга асосий эътибор қаратилаётгани тўғрисида ҳам фикр-мулоҳаза билдирилди.

Маълумот ўрнида шунини айтиш мумкинки, фитосанитар хавф таҳлили (ФХТ) деганда — ўсимликлар карантини давлат хизмати томонидан ўсимликлар карантини назорати остидаги маҳсулотлар (урғунлар, қўчатлар, ўсимлик қисмлари ва маҳсулотлар) билан зарарли организмларнинг янги худудга тарқалиши хавфини биологик, экологик, илмий ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш тушунилади.

Аслини олганда, фитосанитар хавф таҳлилига бағишланган халқаро стандартлар БМТнинг Озқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ташкилоти (ФАО) дастури доирасида Ўсимликлар химояси бўйича Халқаро Конвенция қотибияти томонидан таяйёрланади. Шунингдек, Европа ва Ўрта ер денгизи ўсимликлар карантини ва химояси (EPPO) ташкилоти ҳам фитосанитар хавф таҳлили бўйича ўз стандартларини жорий этган.

Семинар доирасида биология фанлари доктори, Европа ва Ўрта ер денгизи ўсимликлар карантини ва химояси ташкилотининг илмий маслаҳатчиси Андрей Орлинский, фитосанитария соҳасининг етакчи консултанти Елена Каримова ва бошқа хорижий экспертлар томонидан маҳаллий мутахассисларнинг фитосанитар хавф таҳлили борасидаги билимларини янада оширишга қаратилган тренинглар ҳам ўтказилди.

Тоштемир Худойқулов,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИРДАРЁГА МЕДИА-ТУР

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан Сирдарё вилоятига оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерлар учун бир кунлик медиа-тур ташкил этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов, бир қатор марказий нашрлар бош муҳаррирлари, фаол журналистлардан ташкил топган медиа-тур иштирокчилари дастлаб Сирдарё туманидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири «Sirdaryo Glass» масъулияти чекланган жамиятида бўлди.

Ушбу корхона томонидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ҳамда консервация йўлга қўйилган. 100 дан зиёд иш ўрни яратилган корхонада йилга 3 минг тонна маҳсулот қайта ишланади. Бу эса, ўз навбатида, вилоятда етиштирилаётган мева-сабзавотларни қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилиш ҳажминини ошириш имконини беради.

Журналистлар тумандаги энг йирик «Peng Sheng» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Иштирокчилар қўшма корхона худудида барпо этилган мухташам Ўзбекистон — Хитой дўстлик боғида тантанали кутиб олинди.

Меҳмонлар корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ва туман аҳолиси учун Ўзбекистон — Хитой дўстлик боғида яратилган шароитлар, бу ердаги мактабгача таълим муассасаси фаолияти, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан ташкил этилган «Peng Sheng — кўргазма савдо зали» билан ҳам танишди.

Қўшма корхонанинг «Agro eco technology» қурилиш-пудрат корхонаси томонидан томчилатиб сугориш технологияси асосида барпо этилган 90 гектар майдондаги даласида олиб борилаётган ишлар, ғўзанинг ривожини, янги технологиянинг афзалликлари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

— Томчиларда сугоришнинг афзалликлари жуда кўп, — дейди «Peng Sheng» қўшма корхонаси ижрочи директори Ҳ.Аҳмедов. — Жорий йилнинг 15 апрелида хитой технологияси асосида 90 гектар пахта майдонида томчилатиб сугоришга мослаб чигит эканмиз. Ҳар бир ғўзада 10-15 тадан бўлиқ қўсақ мавжуд. Бу технологиянинг афзаллиқ жиҳати, ғўзани бегона ўт босишдан асрайди, сув ҳудда-беҳудда сарфланмайди, минерал ва маҳаллий ўғит ҳамда сув ҳар бир ниҳолнинг тағ томиригача тўйалигича етиб боради. Хитой пахта етиштириш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. У ерда ҳосилдорлиқ ҳам жуда юқори. Шу майдондан жорий йил камиди 70 центнердан ҳосил қўтаришни мақсад қилганмиз.



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган медиа-тур иштирокчилари мазкур таширф давомида вилоятнинг Сайхунбод тумани марказидаги бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ютуқлар ва шарт-шароит билан ҳам танишди.

Сайхун шаҳарчасида «Сайхун планет» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси иштирокчиларнинг эътиборини тортди. Ушбу мажмуанинг биринчи қаватида савдо комплекси, иккинчи қаватида болалар учун автомат-ўйинлар ва ҳар бири 40 ўринли 2 та кинозал аҳоли хизматида топширилган. — Мақсадимиз туманимизда Президентимизнинг 5 муҳим ташаббуси доирасида кенг камровли ишларни амалга оширишдан иборат, — дейди Сайхунбод тумани ҳокими Б.Мирзақулов. — Туманимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 200 ўринга мўлжалланган тикув цехи фаолият олиб бормоқда. Бу борада яна қўшимча ишларни амалга оширялмиз. Қайта таъмирланган ёшлар спорт мажмуасида турли спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Тез кунларда ана шу ташаббуслар доирасида Хотира хиббони, замонавий «Китоб олами» савдо мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Медиа-тур Гулистон шаҳрида давом эттирилиб, вилоят ҳокимининг янгидан барпо этилган қабул-

лар уйида вилоят ҳокими Ҳ.Мирзаев билан учрашув бўлиб ўтди.

— Бу мухташам бино бир йил давомида қуриб битказилди, — дейди вилоят ҳокими Ҳ.Мирзаев. — Сизлар биринчи меҳмонимиз. Илгари вилоятимиз чўлга қиёсланади. Бугун эса обод масканга айланмоқда. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ушбу бунёдкорлик ишларида муҳим аҳамиятга эга. Лекин яна икки йилдан кейин худуд бугунгидан-да ўзгача чирой касб этади ва мен бунга аминман.

Дарҳақиқат, вилоятда инвестиция киритиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили давлат бюджетига 3 миллиард сўмга яқин маблағ туширилди. Бу йил янги ишлаб чиқарилган маҳсулотни 1,5 триллион сўмга етказиш кўзда тутилган. Жорий йил якунига қадар 178 миллион доллар инвестиция киритиш режалаштирилган. Бу борадаги режа дастлабки ярим йилликда қарий 60 фоизга бажарилди.

Шунингдек, вилоят ҳокими тадбир иштирокчиларига давлатимиз раҳбарининг худудга таширфи давомида, Сирдарё республикамизнинг бошқа вилоятларига ҳар бир соҳада намуна бўлмоғи лозимлиги ҳусусида мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига юклаган топшириқлар, вилоятнинг қишлоқ ҳўжалиги, саноат, ишлаб чиқариш салоҳияти ва худудда амалга оширилаётган бунёд-

корлик ишлари борисида ҳам гапириб берди.

Учрашувдан сўнг тадбир иштирокчилари Ховос туманининг янги марказидаги улкан бунёдкорлик ишлари, туманда қад ростлаган янги масжид, туман худудидаги Ховосепа тарихий ёдгорлиги билан танишди.

Журналистлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 18 майдаги «Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида вилоят марказидаги ушбу мактабда бўлди.

2019 йил 13 март кун Гулистон шаҳрида 150 ўринга мўлжалланган ушбу зиё маскани — Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёти фанига ихтисослаштирилган мактаб-интернатни барпо этиш учун тамал тоши қўйилган эди. Тез орада қурилиш ишлари амалга оширилиб, кўркам бино қад ростлади.

Шунингдек, меҳмонлар Гулистон шаҳридаги «Буюк келажак» массивида янги қурилган кўп қаватли уйларда яратилган шароит билан танишиб, бу ерда истиқомат қилаётганлар билан суҳбатлашди.

Барча қўлайлик яратилган янги массивдаги ушбу 5 қаватли уйлارнинг 30 хонадонида Мудосфаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари, 30 хонадонида Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари, 11 хонадонида Фақуллода вазиатлар вазирлиги ходимлари, 49 хонадонида ички ишлар органлари ходимлари истиқомат қилмоқда.

Тадбир иштирокчиларининг Сирдарёдаги сўнгги мანიли Гулистон шаҳрида «O'qituvchi» бренди остида ишга туширилган, 10 минг нусхадан зиёд китоб фонди ва кафега эга замонавий Book Cafe — китоб дукони бўлди. 2 ой муддатда барпо этилган ушбу Book Cafe тадбир иштирокчиларида жуда яхши таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан Сирдарё вилоятига ташкил этилган бир кунлик медиа-тур мана шундай таассуротларга бой бўлди.

Абдужалол ҚАЙОМОВ,
ЎА мухбири.

Йирик оқибатлар майда муаммолардан келиб чиқади.

НУҚТАИ НАЗАР

Биз ватанпарварлик, фидойилик ҳақида кўп гапирганимизданми, бу тушунчалар баъзида шунчаки баландпарвоз гаплардек туюлади. Ўзини ватанпарвар кўрсатиб, гапни кўпиртиришдан нарига ўтмаган айрим шоввозлардан «Барака топкур, ватанпарварлик, фидойилик ҳақида гапиришдан олдин ўйлаб кўр, ўз конституциявий бурчингни, мажбуриятингни бажараяпсанми, мамлакатда бўлаётган ўзгаришларга ўзингни дахлдор деб ҳис қилаяпсанми? Ҳеч бўлмаса, газ ва электр энергияси учун тўловларни вақтида тўлаяпсанми?» деб сўрагинг келади...

Касбимиз бўйича ишлаётган ёки бирор вазифани бажарётган бўлсак, бунинг учун давлат иш ҳақи тўлапти, касбга доир айрим турдаги солиқлардан озод қилапти, имтиёзлар берапти.

Хўш, бу жараёнларда ким қандай қатнашяпти? Тўғри, ўз вазифасини ва бурчини садоқат билан бажарётганлар оз эмас. Аммо танижони соғ, каттагина томорқа ерига эга бўлган баъзи кишилар моддий ёрдам сўраб турли идораларга мурожаат қилиши кишини ўйга толдиради. Рўзгор муаммолари билан Халқ қабулхонасига боришни биламизу, лекин уй-жойларимиз, томорқаларимиз имкониятларидан фойдаланган ҳолда шароитимизни яхшилашимиз мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Кам таъминланган оила сифатида нафақа олиш учун мурожаат қиламизу, бироқ оила бюджетини яхшилашга қаратилган имтиёзлар ёки кўрсатилётган хизматлардан фойдаланмаймиз. Нега?

Жорий йилнинг бошидан аҳолини имтиёзли шартларда кредитлашдек ноёб тизим амалиётга киритилди. Банклар ходимлари уйма-уй юриб, аҳолига томорқаларида деҳқончилик юритиш, чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланиш, оилавий тадбиркорлиқни ташкил этиш ва бошқа бир қатор лойиҳалар бўйича имтиёзли кредитлар олиш мумкинлиги ҳақида тушунтириш олиб борди.


Хўш, нега ушбу тадбирлар учун банклар, маҳалла фуқаролари ва корхона-ташкилотлар раҳбарлари жавобгару, аслида бундан манфаатдор бўлган ўзимиз «Олма

пиш, оғзимга туш» қабилда кун кечираяпмиз?

Статистик маълумотларга кўра, бизнинг Юқоричириқ тумани бўйича жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 176 та ёрдамга муҳтож оила томорқаларига экишлари учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 9 миллион сўмлик сабзавот, 12 миллион сўмлик мева кўчатлар тарқатилди ҳамда 45 оилга 101 миллион 900 минг сўм моддий ёрдам берилди. Бу ёрдамдан қандай фойдаланилди? Ҳар жойда ҳар хил. Кам таъминланганларга нафақалар берилишига қарши эмасман, лекин бу мақомдан чиқиш имкониятларидан фойдаланиш мумкинми-йўқми? Нега турмушимизни яхшилашга ўзимиз ҳаракат қилмаймиз? Давлат бюджет ҳам чексиз ва тубсиз хазина эмаску.

Ҳар бир йилгилишда туман раҳбарлари фермерларга ўз бурчидан келиб чиқувчи вазифалар ҳақида тақрор ва тақрор уқтирмагунча ер эгасининг ўзи бирор ташаббус билан чиқмайди. Фермер шартномавий мажбуриятларини бажариши кераклигини ўйлаб кўрмаса, изланмаса, таклифлар билан чиқмаса, унинг учун бошқалар ўйлаши керакми?

Яна бир гап. Айрим фуқаролар томонидан кундалик ҳаётимиздаги муносабатларда қонуларни бузиш, тартиб-интизомга риоя қилмаслик ёки уларни менсимаслик оддий ҳолга айланиб бормоқда. Яқинда хизмат тақдоси билан фуқаролик ишлари бўйича Юқоричириқ тумани судида қонуний қўрилган уй-жойларни бузиш билан боғлиқ низо муҳокамасида иштирок этишимга тўғри келди. Бир қатор фуқаролар туман ҳокимининг қарорисиз фер-



ҲУҚУҚ ВА БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

мер хўжалиги балансидаги ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб, уй-жой қуриб олишган экан.

Ҳайратта солгани шуки, бу фуқаролар қонуни бузганликларидан ҳатто уялмасдан, «Нега шу пайтгача қонуний уй-жой қурганлигимизни бизга ҳеч ким айтмаган», деб судга эътироз билдиришди. Ўзбошимчалик билан қилинган ҳаракат оқибатида нафақат қонун бузилди, балки мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солинди. Чунки, ста-

қай даражага тушиши мумкинлигини ўйлаб кўрганимизми?

Дорихоналар тизимини олайлик. Давлатимиз аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, дори воситалари билан савдо қилишни тартибга солишга киришган эди, бир зумда пештахталардан айрим турдаги дорилар йўқ бўлиб қолди. Кўчаларда очиқчасига валюта айирбошлашимиз, пластик карталардан пул ечишни «бизнес»га айлантириб олганимиз ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Йўлларда ҳаракатланаш масаласи эса борган сари ўта муаммоли бўлиб қолмоқда.

Бундан анча йиллар аввал хизмат бўйича тажриба алмашиш учун Япония давлатида бўлган эдим. Мени қўйиб қолдирган жиҳатлардан бири шу бўлдики, япон ҳайдовчилари йўлларда ҳаракатланувчи бошқа иштирокчиларга ҳалал бериши мумкин бўлган бирорта ҳаракатни қилишмайди. Буни уларда «ҳайдовчилик маданияти», дейишади. Бизда-чи, ҳайдовчиларнинг бир-бирига ва пиёдаларга нисбатан ҳурматсизлиги, ҳолда бузиш ҳолатлари ҳақида исталганча мисол келтириш мумкин.

Албатта, буларни назорат қилганимиз, тегишли чора кўрадиган идораларимиз бор. Лекин бизчи? Жабрдийда бўлганимизда «Прокурор, ички ишлар ёки солиқ қўғқа қараяпти?» деб дод солишни биламиз, лекин жамоат назорати ҳисобланган фуқаролик бурчимизни адо этишдан кўра, «Менга нима?» дея, кўриб кўрмасликка, эшитиб-эшитмасликка олишни афзал биламиз.

Бир қарашда бу гаплар кундалик майда муаммолар бўлиб кўриниши мумкин, бироқ Навоий бобомиз «Қатра-қатра йилгилиб, дарё бўлур», деганларидек, йирик оқибатлар айнан майда муаммолардан келиб чиқиши кўпчиликлари яхши маълум. Шу боис ўз ҳақ-хуқуқимизни талаб қилиш баробарида фуқаролик бурчимизни қандай бажарётганимиз тўғрисида ҳам ўйлаб кўрсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Муҳиддин ҚИЁМОВ,
Юқоричириқ тумани
ҳокимлиги ҳуқуқшуноси.

ЭЪЛОН

«QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ

бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ХИЖКҚД Қорақалпоғистон Республикаси Бошқармасининг 2019 йил 5 августдаги 13/-837-19-сонли алоқа хатига асосан, Нукус шаҳри Тўрткўл кўчаси 64-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 2008 йилда и/ч, давлат рақами 95/268ХАА бўлган «МАТИЗ» русумли автомашина. Бошлангич баҳоси — 15 165 000 сўм.
- 2008 йилда и/ч, давлат рақами 95/568ZAA бўлган «МАТИЗ» русумли автомашина. Бошлангич баҳоси — 14 508 000 сўм.
- 2008 йилда и/ч, давлат рақами 95/267ХАА бўлган «МАТИЗ» русумли автомашина. Бошлангич баҳоси — 14 873 000 сўм.
- 2009 йилда и/ч, давлат рақами 95/563ZAA бўлган «МАТИЗ» русумли автомашина. Бошлангич баҳоси — 15 527 000 сўм.
- 2009 йилда и/ч, давлат рақами 95/573ZAA бўлган «МАТИЗ» русумли автомашина. Бошлангич баҳоси — 15 926 000 сўм.
- 2009 йилда и/ч, давлат рақами 95/572ZAA бўлган «МАТИЗ» русумли автомашина. Бошлангич баҳоси — 16 321 000 сўм.
- 2008 йилда и/ч, давлат рақами 95/571ZAA бўлган «МАТИЗ» русумли автомашина. Бошлангич баҳоси — 14 834 000 сўм.
- 2007 йилда и/ч, давлат рақами 95/569ZAA бўлган «НЕКСИЯ» русумли автомашина. Бошлангич баҳоси — 19 807 000 сўм.
- 2007 йилда и/ч, давлат рақами 95/574ZAA бўлган «НЕКСИЯ» русумли автомашина. Бошлангич баҳоси — 20 592 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 6 сентябрь куни соат 11:00 да Нукус шаҳри А.Шамуратова кўчаси, 117-«Б» манзилда жойлашган «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ биносида ўтказилади.

Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосинан бир кун олдин соат 16:00 тўхтатилади. Мазкур автомашиналар 2019 йил 6 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдоси 2019 йил 16 сентябрь куни соат 11:00 да кўрсатилган манзилда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдо қолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан шанба ва яқшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш исатидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ савдо ташкилотчисининг ОАТ «Турон банк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001, МФО: 00585, СТИР: 302 129 374, ОКОНХ: 84200.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй. Тел: (0361) 222-84-44. Расмий сайтимиз: www.rtm.uz. Гувоҳнома №9506.

Сайёр қабул — ҳаммага маъқул

ёки судьяларнинг аҳоли билан очик мулоқоти хусусида

ЮЗМА-ЮЗ

Пойтахтимизнинг Миробод тумани «Минг ўрик» маҳалла аҳолиси хабардор қилинди: Маҳалла идорасида Тошкент шаҳар ва Миробод тумани маъмурий судлари раислари ҳамда судьялари иштирокида сайёр қабул уюштирилади. Келинг, қатнашинг. Саволингиз бўлса, марҳамат, беринг.

Бу янгиликдан аҳоли хурсанд бўлди. Саволи борлар белгиланган соатда маҳалла идорасига келишди. — Яқинда сайландим, — деди биз билан суҳбатда «Минг ўрик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Насиба, Хадиева. — Маҳалламизда 1185 нафар аҳоли яшайди, судьяларнинг ташаббуси яхши бўлди. Менинг ҳам уларга берадиган саволларим бор.

Ҳалимиз шу жойда узилди. Маҳалла идорасига Тошкент шаҳар маъмурий суди раиси Нейматжон Акбаров, Миробод тумани маъмурий суди раиси Суҳроб Юлдошев, судья Суҳроб Талипов ва бошқалар кириб келишди.

— Мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Буларнинг барчаси фуқароларимиз ҳақ-хуқуқи ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинган ҳолда таъминлашга хизмат қилмоқда. Маҳалла аҳоли билан учрашувда Тошкент шаҳар маъмурий суди раиси Нейматжон Акбаров. — Сайёр қабул ташкил қилишимиздан мақсад сизларни ўйлантираётган саволларингизга қонуний ёним топиш. Нафақат бизнинг соҳа бўйича, фуқаролик, жиноий масалаларга оид саволларингизга ҳам жавоб беришга ҳаракат қиламиз.


— Биз кўп қаватли уйда яшаймиз. Уйимиз олдидаги йўлакка дуч келган одам машинасини қўйиб кетади. Юриб бўлмайди. Қолаверса, ёнимиздаги кафедра кечқурунлари жанжал бўлиб туради, — деди Олия Қодирова. — Шашлик пиширишди. Тутуни тўғри уйимизга қиради Деразалимиз ойнаси ёғ босган, қорайиб кетаяпти. Бунинг чорасини ким кўради?

— Бу масала бевосита бизнинг ваколатимизга кирмаса ҳам, тегишли ваколатлар вакиллари билан муҳокама қиламиз.

Суд раиси кафедаги тартибсизлик бўйича профилактика инспекторидан

изоҳ сўради.

— Кафе эгаларидан тилхат олганмиз. Маъмурий чора қўрилган, — деди профилактика инспектори Абдузоҳид Юлдошбеков. — Агар жамоатчиликка яна зарар etkazилса, тегишли ҳужжатлар асосида кафени ёпиш чорасини



қўраимиз. «Дом» олдидаги автомашиналар хусусидаги савол ҳам ўринли. Бу масалани ҳам ечамиз...

Ольга Порецкаянинг саволи мунозараларга сабаб бўлди.

— 81 ёшли бир аёл ёлғиз яшайди. Қаровчиси йўқ. Ана шу аёлни қариялар уйига жойлаштиришга ёрдам берсангизлар.

Судья Суҳроб Талипов маҳалла раисига юзланди.

— Сиз аввал қариялар уйи раҳбарлари олдида бориңг, суҳбатлашинг. Улар хатингизга ёзма жавоб беришадилар, агар жавобдан қаноатланмасангиз, бу масала бўйича прокуратура ёки судга мурожаат қилиш керак. Суд қонуний қарор қабул қилади.

— Уй-жой мулкдорлари ширкатининг раиси Татьяна Мамунтоваман, — дея мурожаат қилди бир аёл. — «Дом»имиз 1937 йилда қурилган. Эски бино. Биринчи қаватни ҳар хил дўконлар эгаллаган. Яқинда биттаси стоматология шохобчаси очмоқчи эканлигини билдирди. Биз бунга қар-

шимиз. Ҳокимият қўғқа қараяпти? Уйнинг фасади бузилапти. Йўлакни ёпиб қўйишяпти. Тозаликка эътибор беришмайди. Турар-жойларни нотураб-жойга айлантириш тартиби қандай?

Тошкент шаҳар маъмурий суд раиси Нейматжон Акбаров Татьяна Мамунтова шикоятни юзасидан ўз муносабатини билдирди:

— Эътирозингиз ўринли. Сиз айтган масалани ваколатли орган қўриб чиқиши керак. Суд раиси савол бўйича юридик маслаҳат берди.

«Минг ўрик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Насиба Хадиеванинг шикоятни шундай бўлди:

— Яқинда Мажбурий ижро бюроси ходимлари олдимга келиб қарздорлиқни ундириш бўйича топшириқ беришди. Рўйхатни кўрсам, қарздорларнинг олти миш фоизи бизнинг маҳаллада яшамас экан. Мен қарздорлиқни ундириш бўйича масъул эмасман. МИБ ходимларининг талаби тўғрими?

— Нотўғри, — деди Миробод тумани маъмурий суди раиси Суҳроб Юлдошев. — Сиз ўз хоҳишингизга асосан қарздорлиқни ундириш бўйича ёрдам беришингиз мумкин. Мажбурий ижро бюроси ходимларининг нотўғри талаби ҳамда қатти-ҳаракати юзасидан прокуратурага мурожаат қилишингиз мумкин. Саволлар бевосита маъмурий судга оид бўлмаса-да, баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Бошқа суд вакиллари ҳам келишса яхши бўларди, деган таклиф ҳам айтилди.


Сайёр қабул ҳаммага маъқул келди. Тўғри, қатнашчилар ўзларини қизиқтирган ҳамма саволларга аниқ жавоб олишмаган бўлса-да, юридик маслаҳатлардан мамнун бўлишди. Бу тадбирда уларнинг ҳуқуқий билими ошди, қайси савол билан кимга мурожаат қилиш кераклигини тушунишди.

Шу жиҳатдан ҳам бу очик мулоқот фойдали бўлди. Бундай мулоқотлар давом эттирилади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БИЛАСИЗМИ?

«Тонировка» учун янги нархлар белгиланди



«Туси ўзгартirilган (қорайтирилган) ойнали енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солишининг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори (646, 02.08.2019 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, «тонировка» нархлари орқа ойна (лобовой) учун текин, орқа ён ойна учун эса қуйидагича нархлар белгиланади:

— жисмоний ва юридик шахсларга — БҲМнинг (базавий ҳисоблаш миқдори) 10 баравари (2 млн 230 минг сўм);

— хорижий давлатлар юридик шахсларига — БҲМнинг 20 баравари (4 млн 460 минг сўм).

Илгари бу миқдор тегишлича жисмоний шахслар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 90 баравари, юридик шахслар учун 120 баравари, хорижий юридик шахслар учун 140 бараварини ташкил этган.

Олд ва орқа ён ойналар учун (барча ён ойналар):

— жисмоний ва юридик шахсларга — БҲМнинг 50 баравари (11 млн 150 минг сўм);

— хорижий давлатлар юридик шахсларига — БҲМнинг 80 баравари (17 млн 840 минг сўм).

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан 1 йилга бериладиган рухсатнома асосида:

а) енгил автомобиллар:

— орқа ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган миқдорда (тўлов асосида);

— олд ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги 50 фоиздан кам бўлмаган даражада ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсат этилди (тўлов асосида).

б) туристик автобус, микроавтобус ва минивен ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги — 50 фоиздан кам бўлмаган даражада (тўлов асосида) ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсат этилди.

Автотранспорт воситаларининг орқа ойнасини тўлиқ ҳамда олд ойнаси (лобовой)нинг тепа қисми тусини эни 14 см дан кўп бўлмаган полоса шаклида ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган миқдорда рухсатномасиз ва текин ўзгартириш мумкин.

Қарорда белгиланишича, мазкур қарор қабул қилинганга қадар амалда бўлган тўлов ставкалари бўйича 2019 йил 1 январдан ойналарнинг тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун олинган рухсатномаларнинг амал қилиш муддати мазкур қарорга мувофиқ жорий этиладиган янги тўлов, ставкаларига мутаносиб равишда ўзайтирилади.

2 ой мuddатда тонировка учун белгиланган жарималар миқдори тонировка учун тўлов ставкаларига тенг бўлган миқдорда ўзгартиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Ҳужжат ҳақидаги тўлиқ маълумот билан www.lex.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Шаҳарлараро ва халқаро автотранспорт воситаларида йўловчи ўзи билан бирга



— 5 ёшгача бўлган бир болани бепул — алоҳида ўринсиз,

— 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болани чиптанинг тўлиқ баҳоси 50 фоиз чегирилган ҳолда — алоҳида ўрин берилган ҳолда олиб юриш ҳуқуқига эгадир.

— 10 ёшгача бўлган икки нафар ва ундан кўпроқ болалар олиб юрилганда улардан биттаси бепул, қолганлари — чипта тўлиқ баҳосининг 50 фоизи чегирилиб, алоҳида ўрин берилган ҳолда олиб юрилади.

Ўриндошларга

таътил асосий иш жойидаги ҳар йилги меҳнат таътили билан бир вақтда берилади



Ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга ҳар йилги асосий, шунингдек, ўриндошлар ҳақли бўлган қўшимча таътиллари асосий иш жойидаги ҳар йилги меҳнат таътили билан бир вақтда берилади.

Агар ўриндошлик асосида ишлашнинг биринчи иш йилида ходим олти ойдан кам ишлаган бўлса, у ҳолда ўриндошлик асосидаги ишда таътил учун ишланган вақтга пропорционал ҳақ тўланади.

Биринчи иш йилида олти ой ишлаган ўриндошларнинг меҳнат таътилига, шунингдек, ишнинг кейинги йиллари учун меҳнат таътилига ўриндошлик асосидаги ишнинг ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда оdatдаги тартибда ҳақ тўланади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.

Қанча инсонлар бизнинг кўмагимизни кутиб турган бўлиши мумкин.

«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди миллиардлаб маблағни нимага сарфлади?

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021-йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ долзарб масалалар белгиланган. Бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат фондлари ҳам фаол қатнашмоқда. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди бу йўналишда мамлакатимиздаги етакчилардан бири ҳисобланади. Яқинда Соғлиқни сақлаш вазирлигида фонднинг ўтган беш йилдаги фаолияти таҳлил этилди, сарфланган маблағлар ҳисоботи эшитилди.

Асрор МИРЗААХМЕДОВ,
«Меҳр-шафқат ва саломатлик»
жамоат фонди бошқаруви раиси:

— Жамоат фонди ҳисобот даврида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўзининг ижтимоий ҳамкори сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, «Ўзбекистон овози» уюшмаси, «INSPIRED» МЧЖ, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа бир қанча давлат, жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келди.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида жамоат ташкилотларининг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Буни фонд томонидан ҳисобот даврида олиб борилган ишлар ҳам кўрсатиб турибди. Хусусан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда, ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашда, соғлом турмуш тарзи ғояларини тарғиб қилишда жамоат фондимизнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Фонд бир неча йўналишда маблағларни йўналтирмоқда. Мисол учун, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, тиббий вазирликнинг маданий ва санъат кўргазмаси, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Уста Камол Мирзаев ва ёш рассом Саида Жалилова-лар минимизга яратиб усулларини маҳорат дарслари орқали намойиш этилди.

Шу билан бирга, яна бир санъат тури — эбру (сувда чизиб қадимий санъат тури) йўналишида ҳам амалий машғулотлар ўтказилди. Эбру санъати устаси Насиб Сотволдиева сув юзасида ижод қилиш усуллари ва расмларни қозғоқ ёки матога туширишда ўқувчиларга ёрдам берди.

Ўзбек давлат цирки артистлари томонидан намойиш этилган дастурлар ўқувчиларга юқори қайғиёт улашди.



ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда. Агар рақамларга мурожаат қилдикан бўлсак, ҳисобот даврида фонд харажатлари 14.029.012.370 сўмни, хайр-эҳсон, ҳомийлик харажатлари эса 13.326.325.370 сўмни ташкил этди. Жамоат фондининг ҳисобот давридаги жами харажатларига нисбатан 94,9% ни, ҳўжалик харажатлари эса 5,1% ни ташкил этди.

Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ,
Соғлиқни сақлаш вазири биринчи ўринбосари:

— Бугун соғлиқни сақлаш тизими олдида турган муаммоларни ҳал қилиш, халқимизда сифатли тиббий хизматни ташкил этишда жамоат фондларининг ҳам муҳим ўрни бор. Шу боис вазирлик «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди билан доимий ҳамкорлик қилиб келади. Айниқса, фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, касалликка чалинган беморлар учун малакали шифокорлар маслаҳа-

ти ва даволаш ишларини уюштириш, ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари, тиббиёт муассасаларини тиббий анжомлар, буюмлар ва ўқув қурilmалари билан таъминлашда, чет эл клиникаларида стажировкадан ўтган маҳаллий мутахассисларнинг ўқиши билан боғлиқ сафар харажатларини қоплаш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармонлар билан таъминлаш

масаласига жуда катта кўмак кўрсатишмоқда.

Ютуқлар бор, бироқ камчиликлар ҳам оз эмас. Энди фонд фаолиятига янада замонавий ёндашувларни жорий қилиш, фонд вилоят ваколатхоналари ишини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти билан шўғулланишлари учун шароит ва имконият яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, жойлардаги соғлиқни сақлаш ва дори-дармонлар билан яқин ҳамкорлик

ўрнатилиши, мавжуд муаммолар ечими ҳамкорликда изланиши зарур.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Меҳр-шафқат ва саломатлик»
жамоат фонди вазирлиги кенгаши
аъзоси:

— Энг муҳим йўналишлардан бири фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашдир. Бу масала фонд фаолларининг доимий эътиборида бўлиб турибди. Ҳисобот даври ва 2019 йилнинг 1 июнига қадар Президентимизнинг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонасига, жамоат фонди бошқарувида келган мурожаатлар 529 та бўлиб, уларнинг асосий мазмунини ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар даволашларида, жарроҳлик амалиётида ишлатилган материаллар, эндопротезлар, дори воситалари билан таъминлашда ҳомийлик ёрдами кўрсатилиши сўралган. Эътиборлиси, барча ариза ва мурожаатлар белгиланган муддатларда қўриб чиқилиб, ҳал этилди.

Қаноат АЗИЗОВ,
«Меҳр-шафқат ва саломатлик»
жамоат фонди Қашқадарё вилоят
ваколатхонаси раҳбари:

— Ҳисобот даврида Қашқадарё вилояти ҳудудий муассасаси Давлат дастури ҳамда ўз иш режасида белгиланган вазифаларни бажаришда аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламлари, ёлғиз кексалар, тўшақда ётиб қолган қариялар, боқувчисини йўқотган оилаларнинг ногирон фарзандлари, афғон уруши қатнашчилари, Ватанимиз чегараларини қўриқлашда вафот этган ҳарбийларнинг оилаларига кўмак бериш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказилган хайр-эҳсон тадбирларида 2625 нафар фуқарога 338322000 сўмлик ёрдам кўрсатилди. Аммо бу етарли эмас, ҳали қанча инсонлар бизнинг кўмагимизни кутиб турган бўлиши мумкин. Шунинг учун бу йўналишдаги ишларимизни янада ривожлантиришимиз талаб этилади.

Йилигишда барча йўналишдаги ишлар танқидий таҳлил қилинди. Камчиликлар очик айтилиб, уни ечиш йўллари муҳокама қилинди. Тадбир якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурали ОРИПОВ



Донишмандлик бизга ҳаёт сўқмоқларида улуг саодатни ҳозирлаб инъом этувчи воситадир.

Рух жисмга боғлиқ бўлмаган равишда мустақил фикрлайди.

Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳим.

Ҳақимнинг уч қуроли бор: сўз, гийҳ ва тиг.

Ибн Сино (980-1037)

Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонлик, энг катта оғриқ эса ёмон ва мунофиқ дўстлар экан.

Нафсни шармандалик ва дўзах сари одамларни ҳайдашда кўрдим. **Нажмиддин Кўбро (1145 - 1221)**

Кўзни юмип, кўзга айлансин кўнгли.

Ўлимидан сўнг мени қаро ердан эмас, маърифатли инсонларнинг қалбидан изланг.

Жалолиддин Румий (1207 - 1273)

Инсон руҳий куч-қувват ёрдамида эришолмаган нарсасига баъзан ор-номус кучи кўмағида эришад.

Каптафаҳм ва жоҳил кимсалар деярли ҳамма ишни яширинча бажардилар.

Петрарка Франческо (1304 - 1374)

Тўпловчи: Чўлпонча АҲМЕДОВА, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

ДИЛНОЗА ВА НИЛУФАР КУМУШ МЕДАЛНИ ҚўЛГА КИРИТДИ

Руминиянинг Путешти шахрида якунланиб бораётган байдарка ва канозда эшак ашиш бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг сўнгги куни ҳам терма жамоамиз учун муваффақиятли ўтди.

Мусобақанинг 500 метр масофада канознинг жуфтлик йўналишида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Дилноза Раҳматова ҳамда Нилуфар Зокирова маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медални қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, Дилноза ва Нилуфар кеча 200 метр масофада галаба қозongan эди. Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси мазкур жаҳон чемпионатини 2 олтин ва 1 кумуш медал билан якунлади.

Жавоҳир ТОШХўЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Эълон

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ўзининг балансида бўлган:

1. Чилонзор тумани Бунёдор кўчаси 50а-уй манзилидаги бинонинг ертўла қисмида жойлашган 29 метр квадрат 1 хона;

2. Олмазор тумани Шифонур кўчаси 2-уй манзилидаги бинонинг 1-қаватида жойлашган 2 та хона (1-хона 70 метр квадрат, 2-хона 18,6 метр квадрат);

3. Мирзо Улугбек тумани Мустақиллик шох кўчаси 59-уй манзилидаги бинонинг 6-қаватида 1 хона 24,97 метр квадрат хона;

4. Бектемир тумани Х.Бойқаро кўчаси 51-уйда бинонинг 3-қаватида 2 та хона (1-хона 17,22 метр квадрат, 2-хона 16,6 метр квадрат) ижарага берилишини маълум қилади.

Ушбу хоналарга ижара нархларининг энг кам миқдори 1 кв.метр учун 45 минг сўмдан бошланади.

Мурожаат учун манзил: 100135, Тошкент ш., Бунёдор шох кўчаси 50А-уй. Тел/факс: (71) 276-95-90.

МАЪРИФИЙ ТАДБИР



Миллий гвардия ташаббуси

Сирдарё тумани Бахт шахрида жойлашган Махсус ўғил болалар ўқув муассасасидаги ўқувчи ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бир қатор вақирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Муассасада вилоят Ахборот ресурслари маркази, Адлия бошқармаси ва Ёзувчилар уюшмаси томонидан «Ўз ҳуқуқини биласизми?» ширини остида викторина ва давра суҳбатлари, шунингдек, Маданият вазирилик ҳамкорлигида маданият ва санъат кўргазмаси, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Уста Камол Мирзаев ва ёш рассом Саида Жалилова-лар минимизга яратиб усулларини маҳорат дарслари орқали намойиш этилди.

Шу билан бирга, яна бир санъат тури — эбру (сувда чизиб қадимий санъат тури) йўналишида ҳам амалий машғулотлар ўтказилди. Эбру санъати устаси Насиб Сотволдиева сув юзасида ижод қилиш усуллари ва расмларни қозғоқ ёки матога туширишда ўқувчиларга ёрдам берди.

Ўзбек давлат цирки артистлари томонидан намойиш этилган дастурлар ўқувчиларга юқори қайғиёт улашди.

Нозима МАХМУДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Матбуот хизмати офицери.

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek YAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin MUHIDDINOV

Shuhrat JALILOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

To'loq TO'RAKONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsatiga ega bo'lgan hollarda oshiriladi.

Г — 851. 3502 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21:10.

Topshirilgan vaqti — 03:35.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6